

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ЕНГИЛ САНОАТ
ТЕХНОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ**

“Нефт ва газ саноати” қўшма кафедраси

**Олий таълимнинг
5540300 “Нефт ва газ иши” йўналиши
учун “Қатламларнинг нефт ва газ бераолишлигини
ошириш технологияси ва техникаси”
фанидан маърузалар матни тўплами**

Бухоро 2004 й.

Муаллифлар: геол.минер.фан.номзоди хизмат кўрсатган
доцент А.В.Мавлонов
техн.фан.номзоди., доцент Б.Ш.Акрамов
катта ўқитувчи Р.М.Каримов, Г.Р.Бозоров

Такризчилар: “Ўзбекнефтегаз” миллий холдинг компанияси
етакчи мухандиси М.А.Маманов
“ЎзЛИТИНефтегаз” илмий тадқиқот институти
бош технологи техн.фан.номзоди, доцент
Р.К.Сидиқхўжаев

АННОТАЦИЯ

Олий таълимнинг 540000 “Саноат ва ишлов бериш” соўалари 5540300 “Нефт ва газ иши” йўналиши ўқув режасидаги асосий фанларидан бири “қатламларнинг нефт ва газ бера олишлигини ошириш технологияси ва техникаси” фани ўисобғланади.

қатламларнинг компонент бераолишлик ошириш усуллағрини ўрганиш технологияси ва техникаси билан таништиришдан иборат.

Бу фанда талабалар нефт ва газ бераолишликни ошириш мақсадида уюмларга сув ўайдаш ёки газ ўайдаш тизимлари, уларнинг хусусиятлари ва технологияси ўамда иссиқлик билан таъсир этиш тадбирлари тўғрисида тушунча ўосил қиладилар.

Маъруза матнларини тузишда нефт ва газ саноати ва илми тўғрисидаги мавжуд адабиётлар, мақолалар ва “Ўзбекнефтегаз” миллий холдинг компанияси маълумотларидан фойдаланилган.

МУНДАРИЖА

1.МАЪРУЗА Нефт ва газ саноати ривожланиши тарихи, ўозирги кундаги холати ва истиқболлари	4
2.МАЪРУЗА Дунё миқёсида нефт ва газ саноатининг ривожланиши тарихидан лавъалар.	8
3.МАЪРУЗА Уюмнинг нефтберувчанлиги хакида тушунча, нефтберувчанликнинг кўринишлари, унга таъсир қилувчи омиллар.	11
4.МАЪРУЗА Уюмнинг газ бераолишлиги хакида тушунча ва унга таъсир қилувчи омиллар.....	19
5.МАЪРУЗА Табiiй тарзларда нефт ва газ берувчанлик кўрсаткичлари.	22
6.МАЪРУЗА Нефт конларига сув ўайдаш усуллари кўллаган холда ишлатиш.	28
7.МАЪРУЗА қатламга хайдалувчи сувларнинг сифати, уларнинг қатламга хайдаш учун тайёрлаш. қатламга хайдалувчи сувларнинг манбаълари.	33
8.МАЪРУЗА қатламга сув ўайдаш жараёнида ишлатиладиган асбоб ускуналар.....	37
9.МАЪРУЗА Нефт берувчанликни оширишнинг янги усуллари хусусида умумий маълумот.	41
10.МАЪРУЗА Мицилляр эритмалар билан нефтни сиқиб чиқариш.	43
11.МАЪРУЗА қатламга таъсир қилишнинг иссиқлик усуллари.....	50
12.МАЪРУЗА Нефтберувчанликни ошириш мақсадида турлилиги юқори коллекторларда циклик сув бостиришни қўллаш.....	55
13.МАЪРУЗА қудук тубига таъсир этиш усуллари.	59
14. МАЪРУЗА Нефт ва газ берувчанлик технологиясини оширишнинг истиқболлари.....	64
15.МАЪРУЗА Нефт бераолишликни оширувчи турли усулларнинг самарадорлигини баҳолаш.	68
16.МАЪРУЗА Якунловчи маъруза.	70
АДАБИЁТЛАР.....	72

1. Маъруза. Нефт ва газ саноати ривожланиши тарихи, хозирги кундаги ҳолати ва истиқболлари

Маъруза режаси:

1. Ўзирги кунда нефт ва газнинг халқ хўжалигидаги аўғмияти.
2. Нефт берувчанликни ошириш хозирги куннинг энг долзарб муаммоси.
3. Нефт ва газ саноати ва табиат муҳофазаси.

Адабиётлар

1. А.В.Мавлонов, «Нефтьгаз кони геологияси», «Фан», Тошкент, 1992 й.
2. А.И.Ширковский, «Разработка и эксплуатация газовых и газоконденсатных месторождений», Недра, Москва, 1970г.

Хозирги кунда дунё миқёсида нефт ва газ ёқилғи энергетикасининг бирламчи манбаълари сифатида 61%, яъни нефт 39% ва газ 22 % ташкил этади.

Бу кўрсаткич шу даражада катта қадамлар билан ўсиб, кўмир ва бошқа ёқилғи энергетика манбаъларини сиқиб чиқариб, биринчи ўрнига чиқиб олганлигининг боиси улар нефт ва газлар бошқа энергия берувчи манбаъларга нисбатан анча кўп энергетикага эга, иккинчи томондан уларни қазиб чиқариш ва халқ хўжалигига тақдим қилиш нисбатан жуда арзон ва учинчидан уларни истеъмолчига узатиш харажатлари ҳам анча кам бўлганлигидир. Чунки, агар биз 1кг ёқилғи ёнганда 7000 ккал энергия берувчи ёқилини шартли деб қабул қилсак, унда (маълумотлар проф. А.И. Ширковскийдан келтирилган):

1кг бензин	ёнганда	1,49 шартли ёқилғига тенг бўлади.
1кг оддий нефт	ёнганда	1,43 шартли ёқилғига тенг бўлади.
1кг мазут	ёнганда	1,37 шартли ёқилғига тенг бўлади.
1м ³ табиий газ	ёнганда	1,17 шартли ёқилғига тенг бўлади.
1кг кўмир	ёнганда	0,7 шартли ёқилғига тенг бўлади.
1кг торф	ёнганда	0,35 шартли ёқилғига тенг бўлади.
1кг ўқтин	ёнганда	0,27 шартли ёқилғига тенг бўлади.

1м³ табиий газ 1кг нефт ва нефт маъсулотларига эквивалент ҳисобланади.

Келтирилган маълумотларга разм солсак, нефт ва газ қолган энергия манбаъларидан анча юқори энергия эканлиги маълум бўлади.

Нефт ва газни қазиб олиш масалан кўмирни қазиб олишдан анча арзонга тушади, чунончи меҳнат унумдорлиги нефтни қазиб олишда кўмирга нисбатан 6 марта ортиқ, газ чиқаришда эса бу кўрсаткич 55 марта ортиқдир. Мисол тариқасида келтирадиган бўлсак, 1965 йилда ишлаб турган газконденсат кони Шебелинжғқада 24,6 млрд. м³ газ олинган (30 млн.т.

шартли ёқилғига тенг) ва ўша конда шу вақтда 632 киши ишлаган (шулардан 464 таси ишчи), қолганлари мухандис-техник ходимлар. Шунча энергия бериши мумкин бўлган кўмирни эса 50 та шахтадан олиш мумкин бўлар эди. Кўриниб турибдики, газ конденсат конида ишлайдиган битта ишчи-хизматчи кўмир конида ишлайдиган 100 та шахтёрга тахминан тўғри келар экан.

Нефт ва унинг маъсулотларини узатиш кўмирга нисбатан 1,7 марта арзон тушиши маълум, газни узатиш эса кўмирга нисбатан 3,37 марта арзон эканлиги қайд этилади. (Маълумотлар А.И.Ширковскийдан олинди.)

Саноат корхоналарида кўмир ўрнига нефт маъсулотлари ёки газнинг ишлатилиши кўп томондан фойда келтириши аниқланган. Шунингдек, мис эратувчи печларни кўмирдан газга ўтказилиши 3 томонлама фойда келтирар экан, масалан, бундай печлар газлаштирилганида кўмирнинг шлаки билан бирга чиқиб кетувчи мис миқдори 17 % камаяр ва печнинг иш унумдорлиги 10-12 % ортар экан.

Албатта, газ мавжуд бўлган холда печларнинг ишини кўмирдан газга ўтказиш мақсадга мувофиқлиги яққол кўриниб турибди.

Юқорида келтирилган мисоллардан аниқ бўлмоқдаки ҳозирги кунда энергия манбаи сифатида энг юқори ҳолатни эгаллаб турган нефт ва газнинг бу ўрнида ҳали кўп йиллар барқарор туришини башорат қилиш мумкин. Фикримизча энг ками 2050 йилларга қадар нефт ва газ ўз лидерлигини бошқа энергия манбаларига бўшатиб бермаса керак.

Қуйида, сизга ўтишни мўлжал қилаётган фанимизнинг истиқболи катта, унинг олдида улкан вазифалар мавжуд.

Мақсадимиз ҳозирги замон техника ва технологиясидан мохирона фойдаланган холда уюм ва қатламнинг нефт берувчанлигини оширишга эришмоқдир.

Маълумки, ҳозирги кунда қатлам ва уюмнинг нефт берувчанлиги анча пастлигича қолмоқда. Бу масала тахминан 40-50 йил давомида кун тартибида турибди, чунки 50 йиллардан буён нефт берувчанликни жиддий ошириш борасида катта ютуқларга эришилгани йўқ. Тавсия қилинган баъзи усуллар (масалан, мицелляр эритмалар билан нефт чиқариб олиш) ўзининг анчагина қимматлиги билан ўзирги кундаги талабга жавоб беролмай турибди.

Нефтберувчанликни ошириш мақсадида қатламга сув хайдаш ҳам уни **5-10 %** гача оширади ва уюмда ҳали ҳам анчагина нефт қолиб кетиши кузатилади.

Нефтберувчанликни оширишга қаратилган жами кўринишлар ҳозирги кунда жиддий муваффақиятларга кенг кўламда эришилмаётганлиги олдимиздаги муҳим муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Асрнинг ўрталарида И.М.Губкиннинг айтган қуйидаги гаплари ҳали ҳам ўз мохиятини йўқотганича йўқ у шундай деган эди:

“Ҳозирги усуллар билан ер бағридаги нефтнинг ярмидан ортиғини олишга эришолмаяпмиз. Демакки, ер бағрида тахминан 50% нефт бўлган вақтда ҳозирги замон нефтчилари бу кондан нефт олиб бўлинган, дейиша-

ди. Бундай ишлатиш тизимини қўллаш вахшийлик эмасми? Келажак нефтчилари бу ахволга кўнишармикан? Албатта йўқ. Бугунги кун фан техника даражаси ер бағрида қолаётган катта миқдордаги нефтни умидсиз йўқолган деб қарамаймиз”.

Албатта биз бу гапларга амал килган ўолда қазиб олиниб, эски хисобланган конларни жонлаштириш имкониятларини ахтаришимиз лозим. Бунинг учун янгидан янги изланиш ва кашфиётларни қўлга киритишимизни тақозо этади.

Бугун ўтмоқчи бўлган фанимиз, табиийки қатор геологик ва технологик фанлар билан чамбарчас боғланган. Ушбу фан геологик ва геофизик фанлар билан жуда узвий боғланган, чунки қатлам, уюм, тузилманинг дастлабки ўолатлари ва уларнинг табиий шароитларини ўрганмай, аниқ билмай туриб улардан нефт чиқариб олишни тасаввур қилиб бўлмайди. Бу ишларни биз бурғулаш натижасида ўрганамиз. қатламдаги суюқликлар, уларнинг физик хоссалари, қатламдаги суюқлик ва газларнинг ҳаракати ер ости гидравлика ва гидродинамикаси, қатлам физикаси фанлари билан чамбарчас боғланади.

қатлам ва уюмдан олинадиган нефт, газ ва сувларнинг физик ҳамда кимёвий хусусият ва хоссаларини ўрганмай ва улар хусусида аниқ маълумотларга эга бўлмай туриб, улар билан ишлаб булмайди, чунки кудук ва қатламларни ишлатиш жараёнида уларнинг хоссалари кескин ўзгариб қолиши мумкин. Бундай ўолатларда ушбу ўзгаришларни бартараф қилиш ўамда шу тариқа ишлатиш жараёнларини барқарор қилиш учун уларнинг хоссаларини лаборатория шароитларида жуда мукамал ўрганиш тақозо қилинади. Лаборатория шароитида қатламдаги ўолатлар тикланади. Бу ишлар билан қатлам нефтларини ўрганиш, умуман қатлам суюқлик (флюид)ларини ўрганиш фани шуғулланади. Кўриниб турибдики, бу фанлар бизнинг ўрганаётган фан билан чамбарчас боғлангандир.

Нефт ва газлар билан бирга доимо бирга бўладиган сув қазиб чиқариш жараёнида катта аҳамияга эга. Аксарият нефт ва газ умумий сув сиқуви тарзига мансуб бўлиб, бу сувларнинг хоссалари, уларнинг ўаракатланиш жараёнлари, уларнинг заўиралари ва шу каби маълумотлар “Гидрогеология ва нефт ва газ конларининг сувлари” фанининг тасарруфидадир. Бу фанни яхши билмай туриб биз нефтберувчанликнинг юқори кўрсаткичларига эришолмаймиз.

қатламдан чиқариладиган нефт ва газларнинг маҳсулот сифатидаги хусусиятларини, уларни қайта ишлаш натижасида қандай маҳсулотларга эга бўлишимизни “Нефт ва газларни қайта ишлаш”, “Нефт ва газларнинг физик ва кимёвий хусусиятлари” номли фанлар ўрганади ва биз ўрганаётган фан бу кўрсатилган фанлар билан мустаҳкам ва узвий боғлангандир.

Ундан ташқари нефт ва газ конларида ишлатиладиган асбоб ускуналар, уларнинг ишлатиш жараёнида занглаши ва бошқа ҳолатларга дуч келиши мумкин.

Булар ҳам қатламни ишлатиш жараёнида эътибордан холи бўлмаслиги керак.

Хозирги кунда жахон халкларини олдига анчагина мураккаб жараёнларни бунёд килаётган муаммолардан бири атроф мухитни, хавони ва сувнинг тозалигини муҳофаза қилиш экология фани вазифасига киради. Маълумки, нефт ва газни ишлатиш жараёни экология билан жуда боғлиқ, чунки уларни ишлатиш жараёни жуда мураккаб ва эҳтиёткорона иш юритилмаса атроф мухитнинг ифлосланиши табиийдир. Бу борада нефт ва газ қудуқларини ўзлаштириш жараёнида (баъзан бурғулаш жараёнида ҳам) содир бўладиган очиқ фонтанлар табиатга жуда катта хавф туғдиради.

60 йилларда Ўрта Булоқ конидаги қудуқда бўлган очиқ фонтан шундайлардан бўлиб, у тахминан 3 йилга яқин ёнган ва атроф мухитни жуда аянчли ҳолга келтирганлиги маълум. Бундай хунук ўодиса Фарғонадаги Мингбулоқ конида бундан 5-6 йил илгари содир бўлди. Натижада қатламдаги 1,5 млн. тонна нефт отилиб чиқади ва унинг 0,5 млн. тоннаси ёнади, фақат 0,5 тоннасини идишларга йиғиб олинади.

қатлам ва уюмлардаги нефт ва газ захираларини муҳофаза қилиш ҳам катта аўамиятга эгадир. Бу соўа билан “Тоғ назорати” деб аталган соҳа жиддий шуғулланади.

Биз бу ерда нефт газ берувчанликни ошириш технология ва техникаси фанига боғлиқ бўлган энг асосий соўаларнинг санай олдик.

Албатта бу соҳада мутахассис бўлган киши ўозирги замон фанларидан кўпчилигининг (физика, математика, кимё, кибернетика, АСУ назарий механика, материаллар қаршилиги ва бошқалар) яхши билимдони бўлишини тақозо қилади.

Текшириш учун саволлар

1. Нефт ва газ ёқилғилар орасида қайси ўринни эгаллайди?
2. XX асрда нефтгаз саноатининг бунчалик жадал ривожланишига сабаблар нималардан иборат?
3. Шартли ёқилғи деб қандай ёқилғига айтилади?

Таянч сўзлар

Нефт берувчанлик, газконденсат, газ берувчанлик, сувга шимилганлик, сув хайдаш, уюм, бурғилаш, қатлам физикаси, гидравлика, гидродинамика, қатламни ишлатиш, атроф мухит муҳофазаси, очиқ фонтан ва ш.к.

2. МАЪРУЗА. Дунё миқёсида нефт ва газ саноатининг

ривожланиши тарихидан лавхалар.

Маъруза режаси:

1. Нефт чиқаришнинг дунё бўйича ривожланиш хусусиятлари.
2. Газ чиқаришнинг ривожланиши.
3. Ўзбекистон Республикаси нефтгаз саноати ривожланиши тарихидан.

Адабиётлар

1. 20аср нефт географияси. Мавлонов А.В., Акрамов Б.Ш.
2. Геология нефти и газа

Маълумки, газ саноати нефт саноатига нисбатан анча кечроқ ривожланиш имкониятига эга бўлган. Бунга асосий сабаб газни ишлатиш ва ундан фойдаланиш муаммолари халқ хўжалигида ўал бўлмаганлиги эди.

Европа ва Америкада газ саноати асримизнинг 25-30 йилларидан бошланган. Россияда (ўтмишдаги СССР да) бу иш 50 йиллардан йўлга қўйилди.

Газ ишлатиш учун асосан кимё саноати ривожланган бўлиши керак. Кейинчалик газни ёқиб, электр энергиясига айлантириш ўам кенг ривожланди ва ниўоят газ билан шаўар ва қишлоқларда турмуш учун ишлатиш унинг ривожланишига олиб келади.

Россияда газ саноатининг ривожланиши 1953 йилда топилган Саратов газ кони катта аўамият касб қилади. 1953 йилдан бошлаб Саратов ғ Москва газ узаткичи (300 мм) қурила бошлайди. Мақсад, Саратовда топилган газ билан Москва шахрини газлаштириш эди.

Кейинроқ 1956 йилда Ўзбекистонда ўша вақтда дунё миқёсидан йирик конлардан бири Газли конининг очилиши бўлди. Газли кони очилиши катта воқеа бўлган эди, чунки унинг заўираси 500 млрд. м³ дан ортиқ эди. Тезлик билан Газли конида қидириш ишлари жадаллаштирилиб, 1959 йилдан бошлаб ишга туширилади. Шу вақтнинг ўзида Газли ғ Урал ва Ўрта Осиё Марказ газ узатгичлари кўрила бошланди. Улар 1020 мм га эга бўлган ва 2 та қувурдан ташкил топган газузатгичлари бўлиб, йилига ўар бири 10 млрд. м³ газни узатиш қувватига эга эди. Бу газузатгичлар ўам унда тезлик билан битирилади ва уларда Газли газни Марказ ва Уралнинг саноат корхоналарига етказиб берилади. Шу орада кетмағкет бошқа йирик ва ўрта конлар топилади ва ишга туширилади (Шебелинка, Ўрта Булок ва ш.к.). Шундан сўнг ўарбий Сибирнинг гигант конлари топилади ва ишга туширила бошлайди.

Фактларга мурожаат қиладиган бўлсак, 1968 йилда ўарбий Сибирда 0,6 млрд. м³ газ олинган бўлса, 1979 йилда унинг миқдори 121,4 млрд. м³ га етган. Шуни қайд қилмоқ лозимки, биринчилар қаторида ишга туширилган кон Медвежье эди. У 1972 йилда Надим Пурга-Серов газ узатгичи кўриб битказилган сўнг катта ўажм билан ишга туширилгандир.

1978 йилда энг йирик бўлган Уренгой газ конденсат кони ишга туширилади. 1979 йилда эса ундан 24,7 млрд. м³ газ олишга эришилади, 1980 йилда ундан 50 млрд. м³, кейинчалик 185 млрд. м³ газ олиш мўлжалланган эди.

Хақиқатан, газ саноатининг ривожланиши харбий Сибирда юқори даражадаги тезлик билан ривожланади. Бунга асосий сабаб ўарбий Сибир худудида дунё микёси аўамиятга эга бўлган 11та гигант ва супергигант конларининг топилганлигидир. (1980 - 90 йилларгача ва улар мобайнида дунё микёсида топилган супергигант ва гигант газ конденсат конларининг умумий микдори 22 та бўлган бўлса, шулардан 11 таси харбий Сибир худудига тўғри келади).

Шу кўрсаткичларга таянган холда ўтмишдаги СССРда газ саноати бекиёс ривожланиш имкониятига эга бўлади ва у 1984 йилда газ чиқариш бўйича АҚШдан ўсиб кетди. Дунё мамлакатларида чиқарилган газ микдорини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин (1990 йил):

1. Ўтмиш СССР	- 815 млрд. м ³
2. АКШ	- 483,64
3. ЭРОН	- 222,0
4. КАНАДА	- 104,08
5. НИДЕРЛАНДИЯ	- 71,87
6. ЖАЗОИР	- 48,4
7. БУЮК БРИТАНИЯ	- 44,75
8. ИНДОНЕЗИЯ	- 40,34
9. НОРВЕГИЯ	- 30,58
10. САУДИЯ АРАБИСТОНИ	- 29,8
11. МЕКСИКА	- 26,21
12. БИРЛАШГАН А.А.	- 21,78
13. ВЕНЕСУЭЛА	- 19,55
14. КУВЕЙТ	- 8,16
15. МИСР	- 7,04
16. ИРОҚ	- 6,1
17. ЛИВИЯ	- 6,0
18. НИГЕРИЯ	- 4,7 млрд. м ³
Жами:	- 2030 млрд.м³.

Газ чиқариш микёси 1996 йилларга келиб 2310 млрд. м³ га етган, кўриниб турибдики, у 1989 йилдагидан (2030 млрд. м³) унча кўп ўсмаган. Совет Иттифоқи йўқ бўлиб, унда газ чиқарувчи Россия, Туркменистон, Ўзбекистон, Қозоғистон, Украина каби мамлакатлар пайдо бўлган. Маълумки, 90 йилларда Туркменистонда газ чиқариш 115 млрд. м³ га етган эди, Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич 40,7 млрд. м³ атрофида эди. 1996 йилда Россияда 455 млрд. м³ газ чиқарилганлиги маълум.

1991 йилда Ўзбекистон ўзининг мустақиллигини эълон қилади ва 1 сентябр куни Ўзбекистон республикаси ташкил қилинган кун сифатида

байрам қилинади. Ўша вақтдан бошлаб мамлакатимиз ўзининг мустақил иқтисодиёт ва сиёсатини олиб бормоқда. Республика мустақил иқтисодиётни олиб борар экан, биринчи бўлиб ёқилғи энергетика ва дон мустақиллигига эришиш ҳаракатига тушади. Республикамиз президенти И.А.Каримовнинг ташаббуси билан бу ишлар мувоффақиятли амалга оширилди ва ошириляпти. Бунга далил сифатида шуларни эътироф этишимиз мумкинки, 1995 йилдан бошлаб Ўзбекистон республикаси нефт ва нефт маҳсулотларини импорт қилишни тўхтатди, аксинча маълум бир миқдор нефт маҳсулотлари ундан экспорт қилинаётганлиги қайд этилади.

1990 йилдан то шу вақтгача бўлган Ўзбекистон республикасида нефт ва газ чиқариш ўлати қуйидаги жадвалда кўрилади:

	Нефт чиқариш млн. т	газ чиқариш млрд. м ³
1990 й	2,81	40,7
1996	7,623	49,2
1997	7,9	51,2
1998	8,4	58,6

Россияда бу кўрсаткичлар қуйидагичадир:

ўтм. СССР	Нефт чиқариш млн.т	Газ чиқариш млрд.м ³
1990	571	815
Россия 1991	515	850
1992	430	
1993	298,8	850
1994	292,0	
1996	355,4	455
1998	280	

Шундай қилиб, биз Ўзбекистон республикаси нефт ва газ саноатининг истикболлари хусусида сўз юритадиган бўлсак, бизда ҳозирда нефт мустақиллигига эришилган бўлса, газ саноатини анчагина ривожлантириш ҳақида маълум миқдорда газ экспорт қилиш имконияти мавжуд ва ҳозирда биз Қозоғистон, Қирғизистонга газ экспорт қилмоқдамиз. Келажакда бу иш Украина ва Кавказ орти мамлакатларига ҳам амалга оширилиши кўзда тутилади. Биз яқин келажакда газ чиқаришни йилига 60 млрд. м³ дан ошириб, уни 70 ва ундан ортиқ млрд. м³ га етказиш кўзда тутилади. Бунинг учун бизда ҳамма имкониятлар мавжуддир.

Текшириш учун саволлар

1. Дунё миқёсида нечта мамлакатда нефт чиқарилади?
2. Биринчи ўнликка кирувчи нефт чиқарувчи мамлакатлар?
3. Газ чиқаришнинг муаммолари нималардан иборат?

Таянч сўзлар

Нефт чиқариш, газ чиқариш, конденсат, газконденсат кони, газ кони, газни экспорт, нефт маъсулотларини импорт ва экспорт.

3ҒМАЪРУЗА

Уюмнинг нефтберувчанлиги ўақида тушунча, нефтберувчанликнинг кўринишлари, унга таъсир қилувчи омиллар.

Маъруза режаси:

1. Нефт берувчанликнинг кўринишлари.
2. Нефт берувчанликка таъсир қилувчи омиллар хусусида.
3. Нефт берувчанликка суюқликнинг олиниш даражасининг таъсири.
4. Нефт берувчанликка қудуқ тўри зичлигининг таъсири.

Адабиётлар

1. С.Т.Овнатанов, К.А.Карапетов. «Нефтеотдача при разработке нефтянўх месторождений», Недра, Ленинград, 1970 г.
2. Ш.К.Гемотиддинов. «Нефтеотдача коллекторов», Недра, Москва, 1970 г.
3. Т.Л.Говорова. «Разработка нефтянўх месторождений США», Недра, Москва, 1970 г.

3.1. Уюмнинг нефтберувчанлиги ўақида тушунча, унинг кўринишлари.

Нефт берувчанлик тушунчаси уюмдан олиниши мумкин бўлган нефт миқдорининг йиғиндиси бўлиб, у ўар хил кўриниш ғ яъни қисмлардан ташкил топган бўлади, чунончи;

1) Табиий шароитда уюмнинг ишлатилиши натижасида эришилган нефтберувчанлик миқдори.

2) Уюмга ташқаридан сунъий равишда таъсир қилинганлиги натижасида эришилган нефт берувчанлик; бу кўрсаткич ўз навбатида а) қатламга сув ўайдаш усулида эришилиши мумкин. б) қатламга газ ёки ўаво ўайдаш усули билан эришилиши мумкин, в) қатламга иссиқлик манбаълари (қиздирилган буғ, иссиқ сув ва ш.к.) ўайдаш усули билан эришилиши мумкин; г) қатламга сирт актив моддалар, кислота ишқор мицилляр эритма ва ш.к. ўайдаш усули билан эришимиз мумкин; д) қатлам ичида ундаги нефтнинг бир қисмини ёндириш усули билан, е) қудуқ тубига

таъсир қилиш билан (кислота ўайдаш, гидроёриш, электр иситгичлар билан таъсир ва ш.к.)

Нефт олишни кўпайтириш усуллари билан нефтберувчанликни оширишга эришмоқ мумкин бўлади. Уюм қатламнинг табиий иш тарзи бўйича ишлатилганда эришиладиган нефтберувчанликни адабиётларда аксарият бирламчи нефтберувчанлик деб аталади.

Уюмни ишлатиш жараёнида унга дастлабки вақтлардан сув ўайдаш усули қўлланилса ва шу тариқа уюм ишлатилиши охиригача олиб борилса бу ўолларда эришилган нефтберувчанлик бирламчи ва иккиламчи усуллар билан эришилган деб ўисобланади. Агар қатламга сув ўайдаш, казиб чиқариш жараёнининг ўрталаридан бошланса, унда сув ўайдаш жараёни бошлангунча эришилган нефт берувчанлик бирламчи, сув ўайдаш жараёни бошлангандан кейингиси иккиламчи нефтберувчанлик деб ўисобланади.

Уюмни ишлатиш жараёнида аксарият кудуклар маўсулотини ошириш учун қилинган ўар бир муолажа маълум миқдорда нефтберувчанликни оширади. Бу ишлар қатлам (уюм) бўйича бир гуруў кудукларда галмағалдан амалга оширилиб, нефт чиқариш ишларига кўмак беради, кудуклар дебитини, демак, нефтберувчанликни оширади. Бу усуллар адабиётларда аксарият нефт берувчанликни оширишнинг учламчи усуллари деб номлангандир.

Булар тўғрисида кейинчалик бафуржа тўхталамиз ва улар турларини алоўида кўриб чиқишга ўаракат қиламиз.

Шундай қилиб, қатлам (уюмнинг) нефтберувчанлиги унгдаги баланс заўираларининг бир қисми бўлиб, баланс заўиралари қатламдан олиниши мумкин бўлган (бирламчи, иккиламчи ва учламчи усулларнинг қўлланиши натижасида олиниши мумкин бўлган нефтларнинг йиғиндиси сифатида) нефт миқдори ўамда қатламда (уюм) қолдиқ сифатида қолган нефт миқдорининг йиғиндисидан иборат бўлади, яъни

$$Q_b \text{ қ } Q_{o.m} \text{ қ } Q_k ,$$

бу ерда: Q_b – қатлам (уюм) нинг баланс заираси, т

Q_k – қатламда қолган қолдиқ нефт миқдори, т

Аксарият нефтберувчанлик миқдорини коэффициент тушунчасида ифодаланади, унда бу коэффициент баланс заўираларининг бир қисми эканлиги аниқ кўринади:

$$\eta \text{ қ } Q_{o.m} / Q_b$$

бу ерда: $Q_{o.m}$ – қатламдан олиниши мумкин бўлган нефт миқдори, т;

Q_b – қатламдаги баланс заўира миқдори, т;

η – нефтберувчанлик коэффициенти бирғбирликда ёки % кўринишида бўлган миқдордир.

Шундай қилиб, нефтберувчанлик коэффициенти деб, қатлам (уюм) дан олиниши мумкин бўлган нефт миқдорининг ундаги бўлган баланс заўирасига нисбатига айтилади.

Юқорида зикр қилганимиздек, нефт берувчанликни бирламчи, иккиламчи ва учламчи кўринишлари мавжудлигини инобатга олсак, қатламнинг умумий нефтберувчанлиги ўша кўрсаткичларнинг йиғиндиси сифатида ифодаланади.

Ундан ташқари ўозирги кунга нисбатан олинган нефт берувчанликни ёки қазиб чиқариш муддатининг маълум бир қисмига нисбат қилинган нефтберувчанликни жорий нефтберувчанлик деб юритилади. Табиийки бу кўрсаткич охирги (умумий) нефтберувчанлининг бир қисми сифатидаги кўрсаткичга эга бўлади.

Масалан, уюм 20г йилдан бери ишлаб турибди, унинг 10 йил ишлагандан кейинги нефт берувчанлик коэффициенти шу муддат ичида олинган нефт миқдори йиғиндисининг унинг баланс заўирасига нисбатидир. Чунончи;

$$Q_{бк5} \text{ млн. т.}, \quad Q_{снк500} \text{ млн. т.}$$

$\eta_{ю.й.к}$ 10 йил қазиб чиқариш жараёнида эришилган нефт берувчанлик коэффициенти:

$$\eta_{ю.к} Q_{сн} / Q_{бк500} * 10^3 \text{ т} \text{ } 5 * 10^6 \text{ т} \text{ } 0,1 \text{ ёки } 10\% \text{ га тенг бўлади.}$$

казиб чиқариш жараёнида нефтберувчанлик коэффициенти аввалдан ўисобланган бўлганлиги ва ўар йилги чиқарилган нефт миқдори муайян миқдорни ифода қилганлиги туфайли йиллик (жорий) нефтберувчанлик доимо ўисобаниб, кузатиб берилади ва у кўрсаткич доимо лойиўадаги кўрсаткич билан солиштириб борилади. Мабодо лойиўадаги кўрсаткичлардан фарқ қиладиган бўлса, бунинг сабаблари аниқланиб, бундай фарқни йўқ қилиш йўллари ахтарилади.

Нефтберувчанликнинг назарий ва экспериментал ишларининг қисқача шарўини қуйидагича ифодалаш мумкин.

Биринчи давр (1894г1928 й) Бу даврда И.Н.Струнцов (1905 й), Р.Андерсон (1908), М.Реква (1912г1918 й) эълон қилган ишлари бу соўадаги дастлабки қадамлардир. Кейинроқ В.Котлер (1921 й), сўнгра М.В.Абрамович ва В.В.Билибин ўамда М.Ф.Мирчинклар ишлари анча аўамиятга молик бўлган ишлардир. 1925 йилдаги бутуниттифок нефт мажлисида М.В.Абрамович нефт конларини оқилона қазиб чиқариш тизимини таклиф қилиб чиққанлиги катта аўамият касб этади.

Иккинчи давр (1928г1938 й). Бу даврда С.Герольд ва Л.С.Юрен нефт уюмларининг иш тарзи хусусида биринчи фикрларни баён қиладилар. Кейинроқ 1930 йилда И.М.Губкин Майкоп худудидаги Янги Грозний конини қазиб чиқариш бўйича эълон қилган мулоўазалари нефт конларини қазиб чиқариш борасида анча янгиликларни талкин қилган эди.

Кейинчалик Н.Т.Линдтроп ва В.М.Николаевскийлар Грозний конларини қазиб чиқариш борасида ўз фикрларини баён қиладилар.

1933 йилда Боку шаўрида бутуниттифок нефтчиларининг 1гсъезди катта аўамият касб қилади. Бунда И.М.Губкин, Ф.Ф. Дунаев ва Н.М.Николаевскийлар томонидан АқШ ва Ўтмишдаги СССР конларини қазиб чиқариш жараёни таққосланади ва муўим хулосалар чиқарилади. Ушбу даврда А.Д.Архангельский ва М.А.Жиркевичларнинг нефт

берувчанлик масалаларига доир Апшерон ва Грозний конлари асосида эълон қилган асарлари ва нефтберувчанликка таъсир қилувчи турли омилларни таўлил қилишлари катта аўамият касб этди.

Учинчи давр (1938г1947 й). Бу даврда акад. Л.С.Лейбензон, В.Н.Ўелкачев, М.Ф.Мирчинк, Я.П.Яковлев, америкалик олимлар М.Маскет, П.Дженс, Р.Виков, С.Баклей, Р.Кройзларнинг тадқиқотлари катта аўамиятга молик бўлган ишлар эди.

Шу даврда нефт конларини қазиб чиқариш назарияси ва амалиёти бўйича В.Н.Шелкачев, М.Ф.Мирчинк, П.И.Никитин, М.Ф.Корнеев, С.И.Шапкин, М.А.Жданов, В.П.Яковлевларнинг эълон қилинган асослари катта аўамиятга эга.

1940 йилда М.М.Глоговский, А.П.Крўлов, Б.Б.Лапуклар акад. Л.С.Лейбензон назариясига амал қилган ўолда нефт конларини қазиб чиқариш жараёнига комплекс тадқиқотлар билан ёндашишни илгари сурганликлари аўамиятга молик эди.

Бу даврда АКШ даги олимлар М.Маскет, Р.Виков, С.Баклей. Р.Кройзлар нефт конларини қазиб чиқариш жараёни тафсиғлотлари катта аўамиятга эга эди.

М.Маскет нефт конларини умумий гидродинамик тизимга мансублигини талқин қилади.

Бу даврда ўам бизда, ўам чет элларда кўплаб экспериментал ишлар олиб борилади ва бунда анча илғор натижаларга эришилгани маълум бўлади ва бу ишларда кўплаб машўур мутахассислар катнашадилар.

Тўртинчи давр (1948г1968 й). Юқорида талқин қилинган ишлар кенгрок ва чуқуррок кўламда олиб борилади. Кўплаб янгиликларни ўзида мужассам қилган тўпламлар, монографилар чоп қилинади.

Бу даврда кўплаб ўлкаларда ўзларига алоўида бўлган илмий институт ва жамоалар фаолият кўрсатадилар. Булар Озарбайжонда АзНИИ, Грознийда ГрозНИИ, Москвада ВНИИ, Минх ГП кафедра ғ лабораториялари, ТатНИИ, БашНИИ, УфНИИ, Куйбишевда Гипровосток нефть, Ленинградда ВНИГРИ, Ўзбекистонда ИГИРНИГМ, ЎзЛИТИНефтегаз ва шу каби кўплаб жамоалар ушбу ишлар билан бевосита шуғулланадилар.

Бешинчи давр (1968г1990 й.й). Бу даврда нефт саноати бутун олам миқёсида ва шу жумладан ўтмиш СССР да катта кўламда ривожланади. Кўплаб жамоалар назарий ва амалий ишларни олиб боришни чуқур илмий асосга боғлайдилар. Бу вақтларда дунё миқёсида олинаётган нефт миқдори 3 млрд.т.дан ортиб, кўп вақт шу даражада туради. Кўплаб янги нефт хавзалари очилган ўолда эски конлардан нефт берувчанликни ошириш жараёни ўисобига маўсулот олиш имкониятларини қидириш катта аўамият касб этади. Бу усуллар орасида нефт нархининг ўзгариб туриши унинг рентабеллиги катта аўамиятга молик бўлади.

70ғйилларда АкШда импорт нефт қиммат бўлганлиги учун ўзларининг эски конларини жонлантирганлари ва ўозирги конғларда АкШ да тахминан 8г10 % нефт янги усуллар ўисобига олинаётганлиги аўамиятга моликдир.

3.2. қатлам (уюм) нефтберувчанлигига таъсир қилувчи омиллар хусусида.

Нефтнинг уюмдан қатламдан тўлиқ чиқариб олиш имкони нақадар эканлиги хусусида умумий маълумотларга эга бўлдик. Мақсадимиз иложи борица кўпроқ нефтни чиқариб олиш бўлиб, бу борадаги қилиниши лозим бўлган ишларни куйида ифода этмоқчимиз.

Нефт берувчанликнинг максимал ўолатига монелик қиғлувчи факторлардан бири унинг (нефтнинг) физик кимёвий хоссаси бўлиб, унинг хусусиятлари қатлам сувлариникидан катта фарқ қилади. Шу боисдан қатламдан нефтнинг сув билан сиқиб чиқарилиши жуда мураккаб гидродинамик жараёндир.

Бунда сувнинг нефтни ювибўсиқиб чиқариш хусусияти нефтни физиккимёвий хусусиятларига (қовушқоқлиги, сирт ўўлланишлиги) боғлиқ бўлиб, яна ғовакларнинг ўлчамларига ўам боғлиқдир. қатлам шароитидаги нефтнинг қовушқоқлиги унинг ўаракатига жуда катта таъсир кўрсатади. Ёпишқоқ қуюқ нефтни қазиб чиқариш жуда мушкул. Яна сувнинг тоғ жинсларни ўўллаш ўўлланмаслик хусусияти ўам катта аўамиятга эга. Ўўлланувчи жинсдан нефтнинг сиқиб чиқарилиши анча енгил кечади, агар сув билан ўўлланмайдиган шароит бўлса ундан суюқликнинг сиқиб чиқарилиши кийин бўлади. Яна қатламнинг ғоваклиги ва ўтказувчанлиги қанча юқори бўлса, ундан нефт сиқиб чиқариғлиши анча қулай бўлсада, агар коллектор паст ўтказувчанликка эга бўлса, унда суюқликнинг ўаракати жуда сустр кечади. Ундан ташқари коллекторнинг соғлиги, яъни унинг таркибида гил маўсулотларининг бўлмаслиги катта аўамият касб этади. Мабодо коллектор таркибида гил минераллари мавжуд бўлса, улар сув тегиши билан бўқиб, ўтказувчанликни ёмонлаштиради.

Суюқликнинг сирт таранглигидаги фарқни камайтириш мақсадида аксарият сувнинг сирт таранглигини нефтникига яқинлаштиришга ўаракат қилишади ва натижада сиқиб чиқағришнинг натижаси яхшироқ бўлади.

Шу мақсадда қатламга сирт актив моддалар ўайдалади (ПАВ). Ундан ташқари сувларнинг ишқорлиги, нефтлар таркиғбида органик кислоталарнинг борғйўқлиги ўам сув билан сиқиб чиқариш жараёнига катта таъсир қилади. Масалан, нефт таркибида органик кислоталар мавжуд бўлса унинг ювилиш хусусияти бир неча ғоизга камайиши мумкин. Денгиз суви ёки ишқорли сув нефтни яхшироқ сиқиб чиқаради.

Ундан ташқари сувлар таркибида Са ва Мд тузларининг мавжудлиги нефтни ювиб чиқаришга салбий таъсир қилиши мумкин. Ўшандай сувлар нефт билан аралашганда унинг таркибидаги органик кислоталар билан Са Мд тузлари реакцияга киришиб сувда эримайдиган қаттиқ қолдик ўосил қиладики, бу қатлам ўтказувчанлигини анчага камайтиради, қилаётган ишларимиз натижасига салбий таъсир ўтказади. Аксарият ўолларда сувлар микроғовакларга кирмай йирикроқ ғоваклардан ўтиб кетади ва натижада қатламнинг ювилувчанлиги анча камаяди. Денгиз суви ишлатилган ўол-

ларда ювилувчанлик хусусияти 70 % ва ундан ортик кўрсаткичга камайиши мумкин.

қатлам таркибида темир минералларининг мавжудлиги ўам унинг гидрофоб шароитни яратилишига олиб келади ва коллекторнинг ўтказувчанлигини камайтиради.

3.3. Нефтберувчанликка суюқликнинг олиниш даражаси (суръати) нинг таъсири.

Суюқлик олиниши юқори суръатда бажарилса қудуқ туби ва қатламда суюқликнинг ўаракат тезлиги юқори бўлади. Натижада ўтказувчанлиги анчагина кўрсаткичга эга бўлган қатламга ва қатламнинг қисмларида ўаракат кучли бўлганлиги туфайли улардаги босим камаяди, яъни мавжуд суюқлик қудуқ тубига қараб оқиб кетади. Натижада паст ўтказувчанликка эга бўлган қатлам қисми ва қатламчалар билан ўтказувчанлиги юқори бўлган қатлам қисми орасида босим фарқи ўосил бўлиб, улар ичида жойлашган суюқликлар ўша босими пасайиб қолган қатлам қисмига қараб ўаракат қилабошлайдилар. Бунинг натижасида маълум бир миқдор суюқлик келиб ўаракати тез бўлган қисмга тушади ва оқим билан у ўам қудуқ тубига интилади.

Бўлаётган жараён қудуқнинг таъсир доираси зонасида содир бўлгани учун қудуқнинг дренаж қилиш яъни тубига сурилиш (суюқликнинг) жараёни анча жадал шароитда кечади, натижада дренаж зонаси ўаракати натижасида бошқа ўолатларга нисбатан кўпроқ суюқлик қудуқ тубига келади ва юқorigа чиқарилади. Бу ўолат гидродинамик ўисоблар билан ўз тасдиғини топганлиги маълумдир. Худди шу мақсадга эришмоқ учун, яъни қудуқнинг ишлатиш суръатини ошириш учун аксарият ўолларда қатламнинг табиий тарзининг кучи етмай қолади. Дастлабки ишлатиш жараёнининг маълум қисмида қатлам энергияси етса ўам, унинг кучи камайиб қолади. Шунинг учун қудуқлардаги ишлатишнинг юқори суръатини сақлаш қатламга (уюмга) турли усуллар билан сув ўайдаш жараёни ташкил этилади. Кўплаб уюмларга сув ўайдаш натижалари, лаборатория шароитларида қилинган кўплаб экспериментлар юқорида зикр қилинган фикрни, яъни маўсулот олиш суръатини ошириш уюм (қатлам) нинг нефт берувчанлигини оширади деган фикрни тасдиқлаган хулосаларга олиб келган.

Ўтмишдаги СССР нинг баъзи нефт конларидаги суюқлик олиш суръати, сизилиш тезлиги ва нефтберувчанлик коэффиценти кўрсаткичлари, мисол тариқасида қуйидаги жадвалда келтирилган.

Кон	қатлам горизонт	Нефт берувчанлик коэф. %	Суюқликнинг йиллик мах. олиниши млн.м ³	Суюқликнинг ўртача йиллик ошиши млн.м ³	Сизилиш тезлиги м/йил максимал суюқлик олинганда	Ўртача суюқлик олинганда
-----	-----------------	--------------------------	--	--	--	--------------------------

Новгородненское	I	48,0	0,650	Ғ	24,2	Ғ
	II	34,0	0,450		29,2	
	XI	51,5	2,100	0,080	54,0	17,5
	XII	52,0	0,600	0,450	24,4	18,3
	XIII	72,5	2,500	1,400	15,5	8,5
	XVI	78,5	6,470	3,025	24,7	12,5
	XIX	31,7	0,580	0,382	13,0	9,8
	XX	54,2	0,910	0,305	11,6	4,0
	XXI	45,7	0,400	0,310	15,4	11,9
	XXII	88,0	1,000	0,750	21,2	15,8
Ташкалинское	XII	75,1	1,000	0,950	21,6	19,6
Гора Горкое	XIV	58,5	1,000	0,316	28,8	9,05
Зелений Оврог	B2	54,0	1,350	1,070	128,0	96,3
Сўнаренское:						
Марказий майдон	B2	46,0	Ғ	0,510	Ғ	24,4
/арбий майдон	B2	34,0	Ғ	0,360	Ғ	30,7

Жадвалдан кўриниб турибдики, кўрилган қатламлар жуда катта фаркга эга бўлган сизилиш тезлигида қазиб олинган, яъни 10 дан Ғ 28 м/йил гача бўлган кўрсаткичларда ишлатилган. Лекин оддий солиштириш натижасида кўрсатилган конлардаги фильтрация тезлиги билан нефтберувчанлик орасидаги боғлиқликни яққол илғаш мумкин эмас. Бунга сабаб уларнинг коллекторлик хусусиятлари орасида катта фарқ мавжуд бўлган, яъни улардаги литологик турлилик катта бўлган ўамда нефт ва қатлам сувларининг физика-химёвий хусусиятлари орасида ўам фарқ мавжуд бўлган.

Юқорида келтирилган 16 та уюмдан 4 таси Новгородненское конидаги XI, XII, XIII ва XVI қатламлари С.Т.Овнатанов томонидан танлаб олиниб солиштирилганда шу нарсалар аниқ бўладики XI ва XII қатламлар кўрсаткичлари (ўтказувчанлиги, суюқликлар хоссалари) XIII ва XVI қатламлариникидан яхшироқ бўлган ва шунинг учун биринчи қатламлардаги сизилиш тезлиги иккинчиларидагидан икки марта ортиқ бўлганлиги кузатилади. Шу келтирилган маълумотларга асосланиб, Д.Д.Гузъ бу қатламлардаги нефтберувчанлик фарқи улардаги маъсулот олиш суръатига тўғри пропорционал боғлиқ эканлигини тасдиқловчи хулосага келади. Шундай ўолатда 4,5Ғ7,1 м/йил кўрсаткичига эга бўлган фильтрация тезлиги 6,5Ғ24,8 м/йилгача оширилганда нефт берувчанлик қазиб чиқариш жараёнининг охириги босқичида 2 дан 8,3 % гача ортганлиги кузатилади.

Шундай қилиб, нефт берувчанлик коэффициенти айнан бошқа кўрсаткичлари бир-бирига яқин бўлган шароитларда суюқлик олиниши суръат бевосита боғлиқ бўлиб, юқори суръат нефтберувчанлик юқори, паст суръат эса кам эканлиги аён бўлади. Бу борада қилинган кўплаб таўлил ва тажрибалар ўам мавжуд.

3.4. Нефтберувчанликка қудук тўри зичлигининг таъсири ўақида.

Нефт казиб чиқаришнинг дастлабки даврларида кудуқлар орасидаги масофа жуда қисқа бўлиб, уларнинг ўзаро бир-бирига таъсири ўрганилмаган ва кудуқ тури қанча зич бўлса, ундан олинадиган нефт миқдори шунча кўп бўлади деган тушунча мавжуд эди. Кейинчалик казиб чиқариш жараёнига нефт маъсулотининг арзонқимматлиги халқ хўжалигида катта аўамият касб қилишини инобатга олиб, масалани таўлил қилиш борасида мавжуд маълумотларга мурожаат қилдик.

Маълумки, 30-йилларда ишга туширилган машўур Ист-Техас кони 1 кудуққа 2 га зичлигида қазилган ўамда бу конда ўозирги кунда дунёдаги энг юқори нефтберувчанлик даражасига эришилган. Бу фикримизнинг тасдиғи учун шуни келтирамизки, конда сув сиқуви тарзи бўлганлиги билан бирга унга сув ўайдалган, ундан ташқари кон коллекторининг ўтказувчанлиги жуда юқори бўлиб (ўртача 2 дарси), ундаги нефт жуда паст қовушқоқликка эга. Демак конда юқори нефтберувчанликка эришмоқ учун барча шароит мавжуд бўлган ва яратилган. Кейинчалик кудуқлар орасидаги масофа хусусида кўплаб гидродинамик тадқиқотлар қилиниб, ўртача оптимал оралик (дренаж зонаси майдони) хусусида фикрлар эълон қилинган. Шу кўрсаткичларга асосланган ўолда кудуқларга тўғри келадиган дренаж миқдори 16 га, 32 га ни ташкил қилган ва баъзи ўолларда ундан ўам ортиқ (48 га, 64 га ва ш.к.) бўлган. Чунончи 1950 йиллардан сўнг ишга туширилган конларнинг АҚШ да 16,2% 28 га, 37,1 % 16 га 16,2 % 14 гани ташкил қилганлиги аўамиятга моликдир.

кудуқларнинг ўзаро бир-бирига таъсир ўтказишини (интерференциясини) қуйидаги жадвалдан кўришимиз мумкин.

кудуқ сони, n	Q умумий де- бит т/сут	q 1 та кудуқ деби- ти г/сут	Δ q битта кудуққа тўғри келадиган қўшимча де- бит т/сут
10	1000	100	
50	2245	44,9	31,1
90	2517	27,9	6,8
170	2897	15,9	2,25
250	2733	10,93	0,45

Жадвалдан кўриниб турибдики, кудуқ сонини 5 марта оширганимизда умумий дебит бор йўғи 2,2 мартадан бироз ортиқ ошади, кудуқнинг дебити эса 100 дан 44,9 га тушади, яъни икки мартадан ортиқ пасаяди. кудуқ сонини 9 марта оширсак умумий олинган дебит 2,5 марта ошади, кудуқ дебити эса 100 дан 27,9 га тушади, яъни деярлик 4 мартага камаяди. кудуқ сонини 2,5 марта оширсак умумий дебит бор йўғи 2,733 марта ортади, кудуқнинг дебити 100 дан 10,93 га тушади, ўар бир кудуққа тўғри келадиган қўшимча дебит 0,45 т/сут ни ташкил қилади. Шундан кўриниб турибдики, қатламга қанча зич кудуқ қазилса, оз бўлса ўам нефтберувчанлик ортишига эришилади, лекин нефтнинг рентабеллигини унутмаслик лозимдир.

Текшириш учун саволлар

1. Нефт берувчанликни оширишнинг бирламча усуллари нималардан иборат?
2. Нефт берувчанликни оширишнинг иккиламчи усулларига нималар киради?
3. Нефт берувчанликка таъсир қилувчи янчи усулларнинг моўияти нимада?

Таянч сўзлар

Нефт берувчанлик, қатламга сув ўайдаш, қатламга газ ўайдаш, қатламга иссиқлик йўли билан таъсир, қатламга сирт актив моддалар ўайдаш, қатламда нефтга ёқдириш, кудуқ тубига таъсир, бирламчи нефт берувчанлик, иккиламчи нефт берувчанлик, угламга нефт берувчанлик баланс заўира, қолдиқ заўира, коллектор, қовушқоқлик ва ў.к.

4ҒМАЪРУЗА

Уюмнинг газ бераолишлиги ўакида тушунча ва унга таъсир қилувчи омиллар

Маъруза режаси:

1. Газбераолувчанликнинг нефт бераолувчанликдан фарқлари.
2. Газ фонларининг ишлаш режимлари хусусида.

Адабиётлар

1. А.Ш.Ширковский, «Разработка и эксплуатация газовых и газоконденсатных месторождений», Москва, Недра, 1970 г.

Газ уюмининг газ берувчанлиги нефтберувчанлик кўрсаткичидан тубдан фарқ қилади. Бунга сабаб албатта газнинг нефтга нисбатан бир неча юз баробар кам қовушқоқликка эга бўлганлигидир.

Газ уюмлари аксарият газ тарзида ўамда сув сиқувчи тарзи билан газ тарзининг аралашмасидан ўосил бўлган тарзда ишғлайдилар.

Газ тарзида ишловчи уюмлар аксарият литологик тўсилган ва сув сиқивуга дучор бўлмаган ўолатларда ишлатилади. Бундай ўолатларда қатлам босими энг минимал ўолгача тушади, аниқроғи кудуқ оғзидаги босим 1 тага тенг бўлган ўолатгача ишлаши мумкин. Сув сиқуви тарзи

мавжуд бўлган жойларга мансуб газ уюмлари аксарият дастлабки даврларда газ тарзида ишлайдилар ва вақт ўтиши билан қатлам босими камаё борган сари қатламга сув чегарадан кириб келади ва газ уюмини эгаллай бошлайди. Бундай ўолатда газ олаётган қудуқларни сув босади, уларнинг ишига сув албатта салбий таъсир ўтказади, натижада қатламнинг бир қисмини сув босиши натижасида қатламдаги газнинг бир қисми сувда эрийди, бир қисми эса босиб келган сув тазйиқи остида қатламда қолиб кетади.

Шундай олиб қараганда қатламнинг газ берувчанлиги ўам худди нефтберувчанликка ухшаш қатламдаги мавжуд жамики газ заўираларининг (баланс заўиралари) ер юзасига чиқариб олиш ва ишлатиш имконига эга бўлган заўираси кабидир, яъни газ берувчанлик коэффиценти жамики олинган газнинг ўша қатламдаги умумий (баланс) заўирасига нисбатан ўосил бўлган сондир. Бу сон ўам нефтберувчанлик коэффиценти каби бирғбирликдан иборат ёки фоиш кўринишида ифодаланади.

Газ конларининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундан иборатки, газ заўираларини ўисоблаш жараёнида унга босимнинг кўрсатгичи катта аўамият касб этади, чунки босим қанча юқори бўлса газ шунча сиқилиб, унинг заўираси шунча юқори бўлади. Ундан ташқари газ уюмларида сиқилувчанлик коэффиценти деган кўрсатгич ўз таъсирини кўрсатади. Маълумки табиий газлар идеал газлардан (сиқилувчанликка эга бўлмаган) пича фарқ қилганлиги учун уларга сиқилувчанлик тушунчаси киритилади ва у коэффицент босим ва ўарорат таъсирида ўзгаради ва аксарият критик босим ва критик ўароратларга боғлиқ бўлади. Демак газберувчанлик коэффиценти куйидаги ифода билан кўрсатиш мумкин:

$$\eta_{k1} = P_o Z_g / P_g * Z (P_o),$$

бу ерда: η ғ газберувчанлик коэффиценти;

P_o ғ газ чиқаришнинг охирги вақтидаги қатлам босими кг/см²;

Z_g ғ дастлабки вақтдаги сиқилувчанлик коэффиценти бирнинг бўлаги;

P_{gf} дастлабки вақтдаги қатлам босими кўрсатгичи, кг/см²;

$Z (P_o)$ ғ охирги қатлам босими шароитидаги сиқилувчанлик коэффиценти бирнинг бўлаги.

қатламга ўайдаш жараёни қудуқлар гурухи орқали ва индивидуал ўолатда бажарилади. Бунинг учун сув биринчи кўтаргич насослари орқали сувни йиғувчи жойга, ундан иккинчи кўтаргич насослари билан сув тозалагич станциясига жўнатилади, у ерда сув тозаланиб учинчи кўтаргич насослари ёрдамида магистрал сув ўзатгичлари орқали марказий сув ўавзасига жўнатилиб, улардан $6\text{г}8$ тадан ўайдовчи қудуқлари бўлган ўайдаш тармоқларига ўайдалади ва қудуқларга уланади. Шу тарика бошқа тармоқларга ўам сув етказиб берилади ва бутун бир кон ўайдаш учун сув билан таъминланади.

Ўар бир қудуққа алоўида сув ўайдаш жараёни эса бошқачарок бўлиб, сув йиғичдан ўар бир қудуққа қувур йўлланади ва қудуқ ичига чўктирилган электр насос орқали қатламга сув ўайдаланади.

Текшириш учун саволлар

1. қатламга қандай мақсадлар билан билан сув ўайдалади?

2. қатламга сув ўайдашнинг қандай турлари бор ва уларнинг ютуқғамчиликлари.
3. қатламга ўайдалаётган сув миқдори қандай белгиланади?

Таянч сўзлар

қатлам сувлари, қатлам фасидаги сув, чекка сувлар, “ўзга” сувлар, коагулянт, хлор калцийли сув, хлор магнийли сув, гидрокарбонат сувлар, қатламга ўайдаш учун яроқли сувлар, қатламга ўайдаш учун яроқсиз, темир тузлари (сув таркибида), ишқорли сув, кислотали сув, нейтрал сув рН кўрсаткичи, қудуқнинг қабул қилувчанлиги, нефт туткич, фильтрлар, лойқа сув, тинитилган сув.

8ҒМАЪРУЗА

қатламга сув ўайдаш жараёнида ишлатиладиган асбобғускуналар.

Маъруза режаси:

1. қатламга сув ўайдаш жараёни тафсилоти.
2. Ўайдовчи қудуқлар, уларнинг тузилиши, уларни танлаш.
3. Сув ўайдаш жараёнида ишлатиладиган асбоб ускуналар.

Адабиётлар

1. Г.А. Бабаян и др. «Применение карбонизированной водѣ для увеличения нефтеотдачи», Недра, Москва, 1976 г.

Ўайдовчи қудуқлар.

қатламга сув ўайдаш технологиясини қуйидагича тасаввур қилиш мумкин. Биринчи галда сув олгичдан (биринчи кўтаргич насос станцияси) дан олинган сув йиғма сув омборига тўпланади ва ундан иккинчи кўтаргич орқали тозалагич иншоотларига берилади. Бу ердан магистрал сув узатгич орқали учинчи кўтаргич насос станцияси орқали сув ўайдагичнинг қабул ўавзасига юборилади, ундан тармоқ насос станциялари орқали 6Ғ8 қудуқдан иборат ўайдовчи қудуқларга юборилади. қудуққа сув ўайдаш учун ишлатиладиган электр марказдан қочма насослари билан сув тақсимлагич қурилмаларига камида 250 ат босим билан етказиб берилади, сўнгра тақсимлагичлар ёрдамида қудуқ оғзига йўналтирилади.

Агар сув дарё қирғоғида жойлаштирилган қирғоқ ости қудуқларидан олинадиган бўлса биринчи кўтаргич насос станциясининг ўожати бўлмай тўғри иккинчи кўтаргич насос станцияси орқали қудуқ (ўайдовчи) оғзига келтирилади ва қудуқ ичига туширилган.

Электр марказдан қочма насоси орқали қатламга юборилади.

Мабодо қирғоқ ости қудуқлари сифат коллектори ваакум қозонларга туташтирилган бўлса (улар ер юзасидан пастда қазилган шахтада жойлаштирилган бўлади) ўша жойда мавжуд бўлган бирламчи кўтаргич станцияси насослари билан иккинчи кўтаргич насослари станциясига узатилади ва ундан тармоқ станциясига юборилади. Баъзан сифон коллектордан тўғри тармоқ станциясига сувни узатиш ўоллари ўам учрайди. Бундай ўолларда сув узатиш жараёнини узоқдан кузатиш ва бошқариш учун ВНИИ томонидан ишлаб чиқилган масофадан бошқариш қурилмасидан фойдаланиш мумкин. Бу қурилма Туймази ва Бавли конларида муваффақият билан қўлланган. Бу тизим асосан уч қисмдан иборат бўлиб, биринчиси бошқариш ва назорат пульти, иккинчиси реле қутиси ва қудуқ билан бошқариш пультини боғлайдиган алоқа тизимидан иборатдир.

Насосларни ишга тушириш ва уларни тўхтатиш бошқарув пульти орқали бажарилади. Ундан ташқари уларнинг ишини назорат қилиш ва авария ўолатларини ўам билдирувчи сигнал бериш ўам шу жойда кузатилади. Реле қутчаси орқали қудуқлардаги автоматларни ишга туширади ва тўхтатади зеро унда қудуқлар автомат тизими, электр юритгичлар муўофазаси жойлаштирилган. қуйидаги ўолларда юритгич автоматик равишда ишдан тўхтатилади.

- 1) подшипниклар қизиб кетганда;
- 2) қисқа туташ ўолатида;
- 3) икки фазада ишлаган ўолатда;
- 4) узоқ ишлаганлиги туфайли асбоблар қизиб кетганда;

Алоқа тизими бутун қудуқлар билан боғланган уч тармоқли ўрна-тилган симлар орқали бажарилади. Сув ўайдаш тизимидан шундай вариантини танлаш лозимки, ундан барча жараёнларни бажариш қулай ва жоиз бўлгани ўолда қувурлар сарфи энг кам ва жараён арзонга тузишмоғини тадбирини қўллаш лозим бўлади.

қатлам чегарасидан ташқаридан сув ўайдаш ва қатлам ичидан сув ўайдаш тизимлари аксарият ишга туширилатган конларнинг ўаммасида қўлланаётган бўлиб, уларни қўллаш нефт чиқариш ишининг ажралмас қисми бўлиб хизмат қилади ва провардида нефтберувчанликнинг ортишига хизмат қилади.

қатламга (уюмга) сув ўайдаш натижасида уни ишлатишни давом эттириш ва шу йўсинда юқори нефтберувчанликка эришиш тажрибаси жуда ўам бой вариантларга эгадир. Дунёдаги машўур гигант ва катта конлар ушбу усул билан ишлатилган ва яхши натижаларга эришилган. Машўур шарқий Техас (АҚШ) кони, КеллиҒСнайдер кони (АҚШ), Ромашкино (СССР), Туймази, Ишимбоево ва бошқа конлар (СССР), Киркўк (Ироқ) ва бошқа кўплаб йирик конларнинг ишлатилиши тарихи албатта сув ўайдаш билан чамбарчас боғлангандир. 80ғйилларда СССР да ишлатилган конларнинг 80 % дан ортиғида сув ўайдаш усули қўлланганлиги маълум. Ўша вақтларда мамлакатимиз дунё бўйича нефт беришда биринчи ўринга чиққан (1974 й.) ва ўзининг максимал нефт чиқаришига эришган эди (1988ғ624 млт. млн. т.).

Шуни алоўида қайд этиш лозимки, нефтберувчанликни ошириш мақсадида қатламга сув ўайдалар экан, бу иш ўзининг мантикан ниўоясига етиши лозим. Очикроқ фикр юритадиган бўлсак қатламга анчагина сув ўайдаганимиз туфайли унда гидравлик даража анчага кўтарилади, суюқликнинг олиниш даражаси ортиши имконияти пайдо бўлади, лекин қудуқларнинг сувланганлик даражаси ўам анча юқори. Ушбу шароитда қатламга баъзи ўолларда сув ўайдашни камайтириб ёки ўатто тўхтатиб кўйиш ўоллари ўам кузатилган. Ёки асбобғускуна йўқлиги туфайли қатламдан жадал суюқлик олиш имкони бўлмайди. Бу ўолатда қатламдаги ювилган қатламчалардан нефтни чиқариб олиш имкони қўлдан бой берилади. Анчагина қолдиқ нефт мавжуд бўлганда қатламга кўплаб сув ўайдаш, ундан кўплаб суюқликни чиқариб олишлик катта манфаат кўрсатади, чунки электр чўкма насослар ёрдамида $800\text{т}1000\text{ м}^3/\text{сут}$ миқдорда қудуқдан суюқлик чиқарилганда унинг таркибидаги нефт миқдори ортиши ва шундай қилиб кўплаб кўшимча нефт олишга эришилмоғи мумкин. Демак, нефтберувчанликни оширишнинг энг йирик омилларидан бири қатламдан жадал равишда суюқлик олишликдир. Бунда албатта энг кичик қатламчалар ўамда паст ўтказувчанликка эга бўлган қатлам қисмлари суюқлик билан ювилиш ва таъсирдан ўоли бўлмаслиги кузатилади.

Маълумки, 1 тонна олинадиган нефтга аксарият 3 м^3 сув тўғри келади, 1 м^3 нефтни олиш учун ўртача $3\text{т}5\text{ м}^3$ ва ўатто 10 м^3 сув ўайдашга тўғри келади. Бу миқдор жуда катта бўлиб, мабодо олинаётган нефтнинг ярмига яқини сув ўайдаш билан эришилаётган бўлса ер шари бўйича тахминан йилига 6 млрд. м^3 га яқин қатлам суви олинади ва қатламга $8\text{т}10$ млрд. м^3 сув майдонига тўғри келади. Албатта қатлам сувларини бир жойга жойлаш керак, уни оқар сувларга кўшиб юборилади, ёки қатламларга (сувли қатламларга) ўайдашга тўғри келади. Бундай ўолларда табиат ва атроф муўитни мухофаза қилиш мақсадида ўша сувларни энг содда ўолатда бўлса ўам (ёки уни мураккаб ўолатда тозалаш учун кўплаб харажат қилиш лозим бўлади) унинг қисмидаги (таркибидаги) энг зарарли компонентлардан ўоли қилиш лозим бўлади, акс ўолда агар у оқар сувларга ташланса сув ичида бўлган барча жонзот ўалок бўлиши, у бориб ётган жойдаги деярлик барча ўсимликлар қуриши мумкин. Табиатни муўофаза қилиш умумжахон аўамиятига эга хизмат бўлганлиги учун ўар бир мутахассис бу ишга виждонан ёндашувини тақозо қилади.

қатламга ўайдалувчи сувга кўйилган талабларни бажариш ғ шарт бўлган амаллардан ўисобланади, зеро ўша вазифаларнинг қанчалик аниқ бажарилиши бўладиган самара, нефтберувчанликни ошириш ишларига бевосита алоқадор бўлади. Яхши тозаланмаган сувни аксарият қатлам қабул қилмай кўяди, бунда баъзан ўайдовчи қудуқлар туби ифлосланади, ёки қатламда турли реакциялар содир бўлиб, унда тузларнинг ўтириши натижасида қатламнинг ўтказувчанлиги кескин камаяди ва натижада қилаётган ишимиздан салбий самара олиниши мумкин.

қатламга сув ўайдаш жараёнида кўплаб марта сувни ўайдаб бериш, кўплаб турли насослар билан ишлаш, уларнинг иш услублари, уларни

юритувчи кучлари турли бўлганлиги, аксарият электр қуввати билан ишлаш алоўида эҳтиёткорликни ва катта тажрибани талаб қилади. Шунинг учун ўам бу ишга жалб қилинадиган кишилар маўсус тайёргарликдан ўтишлари тақозо қилинади.

қатламни муўофаза қилиш, табиатни муўофаза қилиш, меўнатни муўофаза қилиш, инсонни мухофаза қилиш ғ бу ўар бир мутахассиснинг қолаверса ўар бир инсоннинг муқаддас вазифасидир, зеро инсон табиатнинг ажралмас бир қисмидир.

Текшириш учун саволлар

1. Ўайдовчи қудуқлар олувчи қудуқлардан қандай фарқлағнади?
2. қатламга ўайдаш учун қандай асбоблардан фойдаланилади?
3. қатламга ўайдалувчи сувнинг сифатлари қандай бўлиши керак?

Таянч сўзлар

қатламга сув ўайдаш технологияси, сув олгич, кўтаргич насос станцияси, иккинчи кўтаргич, унинг кўтаргич насос станцияси, электр марказдан қочма насос, сув таконмлагич, вакуум қозон, сифон, коллектор, ўайдовчи қудуқ, бошқариш пульти, назорат пульти, реле қутиси, автомат тизим, сигнал бериш хонаси, қолдиқ нефт, ифлос сув, қатламни муўофаза қилиш, атрофни муўофаза қилиш, сувларни муўофаза қилиш.

Нефт берувчанликни оширишнинг янги усуллари хусусида умумий маълумот.

Маъруза режаси:

1. Нефт берувчанликни оширишдаги янги усуллар ўқида.
2. қатламга ўайдалувчи сувларга кислота ёки ишқор арағлаштириш натижалари.
3. Полимерларнинг сувдаги эритмаси ёрдамида нефт чиқариш.

қатламга сув ўайдаш усулидан тубдан фарқ қиладиган ва ундан нефт олишни оширишга қаратилган усулларни янги усуллар деб аталади. АҚШда бу усулларни унламчи усуллар дейилади.

Бу усуллар сув ўайдаш усули етарлича самара бермаган ва қатламда тузилиши мураккаблиги ёки ундаги суюқликнинг катта қовушқоқлиги туфайли кўплаб нефт қолиб кетадиган ўолларда қўлланади. Бу усулларнинг қўлланиши ер бағрида абадий қолиб кетишга маўкум бўлган нефтнинг бир қисмини олишга, шунинг билан қатламнинг нефтберувчанлигини бир қадар кўтаришга қаратилгандир.

қатламдан олинадиган нефт миқдорини оширишга қарағтилган бу усулларни шартли равишда қуйидаги туркумларга бўлиш мумкин:

1) Физик-кимёвий усуллар ғ нефтни сиқиб чиқариш ўар хил кимёвий реагентлар эритмалари (полимерлар, сирт фаол моддалар, кислоталар, ишқорлар), мицелляр эритмалар ва ш.к.

2) Иссиқлик ғ физик усуллари қатламга ўар хил усулларда иссиқлик берувчи моддаларни ўайдаш натижасида қатламдаги нефтни ўаракатини осонлаштириш ва жадаллаштириш (иссиқ сув, иссиқ буғ ва ш.к.).

3) Иссиқлик ғ кимё усуллари ғ қатлам ичида нефтнинг ёнишини таъминловчи усуллар (жумладан, оксидлар ва ишқорлар иштирокида).

4) Нефт билан аралашуви мумкин бўлган эритмалар ва юқори босим остидаги карбонсувчиллар билан нефтни сиқиб чиқариш усули.

Юқорида келтирилган усуллар ўар хил ўзига хос шароитларда қўлланади ва ўша шароитларига қараб натижа бериши мумкин. Ундан ташқари келтирилган усуллар аксарият ўолда тажрибахоналарда қилинган тадқиқотларга асосланган бўлиб, бунда натижа юқори бўлиши мумкин. Ундан ташқари уларнинг маълум шароитларида қўлланиши ўар хил кўринишларда ўали тўлалигича мукамал тадқиқ этилмаганлиги ва баъзи реагентларнинг қимматлиги туфайли булар ўамма томондан (жумладан иктисодий томондан ўам) пухта ўрганишни ва ўозирда улар тавсия сифатида қабул қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Кимёвий реагентлардан фойдаланилган ўолда сув ўайдаш бир гуруў усулларда амалга оширилади ва уларда қатламга ўайдаладиган кимёвий реагентлар концентрацияси 0,02ғ0,2 % миқдорида бўлади. Бунда реагент ғоваклик ўажмининг 10ғ30 % ни эгаллайди, қолган қисмига улар сув билан

ўайдалади ва сурилади. Эритма ғовакликнинг бошқа қисмига сув билан сурилар экан, жараёни амалга оширишда мавжуд қудуқлардан фойдаланиш тақозо этилади.

Шундай эритмалар қатлам шароитида 50-60 МПа С қовушқоқликка эга бўлган нефтларда ўам қўлланиши мумкин. Бу усул қазиб чиқаришнинг дастлабки даврларида қўлланса, унга сув ўайдаш усули билан қазиб чиқаришга нисбатан нефт берувчанлик 9-10 % ортиши мумкин.

Полимерларнинг сувдаги эритмаси билан нефтни сиқиб чиқаришнинг ўам бир неча вариантлари бор. Уларнинг фарқланиши қўлланадиган кимёвий реагентларнинг турига қараб ўзгаради, табиийки натижалари ўам шунга қараб турлича бўлиши мумкин. Уларнинг таннарихи ўам реагентлар нарихига қараб ўзгаради.

қатламга ўайдаладиган эритмаларга кислота ёки ишқорнинг қўшилиши ўша тоғ жинсларининг табиий шароити ўолатида келиб чиқади, яъни шароит кислота билан ишлашни тақозо қилса, кислота ишқор эритмаси ўайдалиши лозим. Бунда албатта кислота ё ишқор миқдори ва концентрацияси албатта тажриба натижаларига асосланган бўлиши лозим. Акс ўолда кўзланган натижага эришмоқ мушкул бўлади ва ўатто мўлжалланган натижа чиқмай, акси содир бўлиши ўам мумкин. Сувларнинг қовушқоқлиги ортганлиги натижасида ўайдовчи қудуқларнинг суюқлик қабул қилиш хусусияти камайишини инобатга олиб ўамда қатламда ўқнинг ўаракатининг қийинлашувини ўам кўзда тутган ўолда бу усулни ўтказувчанлиги анчагина яхши бўлган коллекторларда (0,1 мкм² дан ортиқ), асосан ғовакли коллекторларда қўллаш мақсадга мувофиқдир. Шунини эътиборга олиш лозимки, сизилиш жараёнида полимерларнинг бир қисми ғоваклар деворида қолиб кетади. Шунинг учун сувга тўйинганлик 8-10 % дан ортиқ бўлмаган ва оз миқдорда гиллар мавжуд коллекторларда ўамда қатлам ўарорати 70-80 С бўлган ўолатларда бу усулни қўллаш мақсадга мувофиқдир. (Ўарорат хусусида ягона фикр мавжуд, баъзилар бошқага кўрсаткичларни келтирадилар).

Сиртактив моддалар (СМ) эритмаси билан нефтни сиқиб чиқариш.

Аксарият ОП-10 турли моноген бўлмаган (СМ) эритмасидан шу мақсад учун фойдаланилади. СМ нинг сувга қўшилиши унинг ювувчанлик хусусиятини оширади, натижада суви нефт чегарасида сирт таранглиги камаяди. Бу усулни сувга тўйинганлик даражаси 15 % гача бўлган ўамда қатламдаги нефтнинг қовушқоқлиги 5-30 мПа.с орасида, қатламнинг ўтказувчанлиги эса 0,03-0,04 мкм² ўамда қатлам ўарорати 70 °С гача бўлган ўолларда тадбиқ этиш тавсия этилади. Бу усул натижасида нефтберувчанлик 3-5 % га ортиши мумкин.

Текшириш учун саволлар

1. Янги усуллар яна қайси ном билан аталади, унинг моўияти?
2. қатламга турли усуллар билан таъсир қилишни танлашда нималарга эътибор борилади?
3. Нега бу усуллар жуда кенг тарқалмаётир?

Таянч сўзлар

Ишқорли сув, кислотали сув, сирт актив модда, мициллар эритма, полимер эритмаси, киритилган буғ, иссиқ сув, карбонат ангидрит, қатламни ёқиш, қатламни иситиш, қатламни киритиш, ўайдаш фронти, буфер суюқлиги, ўайдаш фронти, қатламни қамраш, қамраш коэффиценти, физик-химёвий усуллар, иссиқлик-физик усуллари, иссиқлик кимё усуллари, углеводородлар билан нефтни сиқиб чиқариш ва ў.к.

10ҒМАЪРУЗА

Мицилляр эритмалар билан нефтни сиқиб чиқариш.

Маъруза режаси:

1. Мицилляр эритмалар ёрдамида нефтни сиқиб чиқариш.
2. Нефтларни ишқорлар ёрдамида сиқиб чиқариш.
3. Нефтларни карбанат ангидрит ва карбонлашган сув билан сиқиб чиқариш.

Адабиётлар

1. М.Л. Сургучев и др. «Применение мицеллярных растворов для увеличения нефтеотдачи пластов», Недра, Москва, 1977 г.
2. В.П. Гаврилов «Черное золото» планет, Недра, Москва, 1978 г.
3. Н.К. Надёров и др. «Технология повёршения нефтеизвлечения», Наука, Алма-Ата, 1987 г.

Мицелляр эритмалар диспера тизим бўлиб, уларда бир суюқ фаза орасига иккинчи суюқ фаза кирган бўлади. Фазалардан бири аксарият сув бўлиб, иккинчиси углеводородлардан иборат бўлади. Аксарият икки турдаги микроэмульсия мавжуд бўлади: углеводород сувда жойлашган ёки сув углеводород орасида жойлашган ўолатда бўлади. Микроэмульсиянинг барқарорлигини аксарият сирт актив моддалар ёрдамида ўосил қилинади.

Мицелляр эритмалар билан нефт чиқариш жараёнида юқори нефтбеврувчанликка эришмоқ мумкин: асосан қуйидагилар ўисобига бунга эришилади: ғ фазалар чегарасида анчагина юза таранглигини камайтириш ўисобига;

ғ сиқиб чиқарилувчи ва сиқиб чиқараётган суюқлик ва муўитнинг қовушқоқлигини бошқариш жумладан уларнинг чегарасини ўам бошқариш эвазига;

ғ коллекторнинг ўказувчанлик хусусиятини қолдиқ нефтга таъсир қилиш билан оширишга эришиш;

ғ сиқиб чиқарилувчи муўитга қовушқоқ эластик хусусиятлар бериш ўисобига таъсир қилиш билан оширишга эришиш;

ғ сиқиб чиқарилувчи муўитга қовушқоқ эластик хусусиятлар бериш ўисобига таъсиринг қамралиш хусусиятини ошириш ўисобига. Микроэмульсия деб аталаётган мицелляр эритмалар юқорида кўрсатилганлардан ташқари ўўлланиш бурчагига таъсир кўрсатади ва эмульсия таркибига қараб бу кўрсаткич ўзгариши мумкин.

Мицелляр эритманинг сув билан ва углеводородлар билан аралашуви ўамда улар ўаракатини бошқариш ва уларнинг барқарорлиги уларни нефт чиқаришнинг турли технологик шароитларда ишлатиш имконини беради. Мицелляр эритмалар термодинамик жихатдан мустаўкамлиги (барқарорлиги) билан бирга бошқа эритмаларга нисбатан зарраларнинг кичиклиги (10⁻⁴ ғ 10⁻⁶ мм) билан ажралиб туради. Сирт актив моддалар молекулалари нефтда эриган ўолда мицелляр ўосил қилади ва улар ўз таркибида сувни ушлашга қодирдирлар. Уларнинг қовушқоқлигини бошқариш, барқарорлигини ошириш ва ўзига хос хусусиятлар бериш учун уларга спирт ва бошқа электролитлар ўам қўшилади.

Нефт ғоваклар орасидан мицелляр эритма билан сиқиб чиқарилади.

Нефт хошияси йўқ бўлиб кетмаслиги учун мицелляр эритмани буфер суюқлиги орқали сиқиб борилади. Буфер суюқлиги сифатида полимер билан қовушқоқлиги орттирилган сувдан фойдаланилади. Бундай ўолда нефтни сиқиб чиқариш жараёнида аралашмайдиган суюқликлар билан бўладиган ўодиса юз бермайди. Худди шу хусусияти учун ғоваклар

орасидаги ўамма нефт сиқиб чиқарилади. Мицилляр эритмаларнинг қўллаш нафақат уюмни қазиб чиқариш жараёнининг дастлабки вақтларида фойдали бўлиб, уларни қўллаш қазиб чиқаришнинг охириги босқичида ўам яхши натижа беради.

Бу усул билан эски конларни ўам жонлантириб, улардаги қолдиқ нефтни чиқариш мумкин.

Маълумки, анчагина нефт ғовакларнинг энг тор қисмида қолиб кетади. Булардаги нефтни чиқариб олиш учун фазалар чегарасидаги сирт таранглик кучини жуда камайтириш лозим бўлади. Чунончи фазалар чегарасидаги куч ўшандай ўолларда 10^{18} нгсм даражасига келтирилгандагина яхши натижаларга эришмоқ мумкин. Бу ўолат эса нефтни чиқариб олиш қувватини қопламайди, яна бундай ўолатда нефтни тор конлардан чиқариб бўлмайди.

Микроэмулсиялар одатда тиниқ суюқликликдан иборат бўладилар ва уларда коагуляция ўолати содир бўлмайди, улар ўз таркибига қараб гидрофил ёки гидрофоб ўолатида бўлиши мумкин.

Микроэмульсиянинг барқарорлиги кўп нарсаларга боғлиқ бўлиши мумкин, лекин шулардан энг асосийси компонентларнинг тузилмасидир. Эритманинг концентрацияси ва компонентлар тузилмасига қараб эмульсияларнинг маълум ўарорат орасида барқарорлиги таъминланиши мумкин ёки инверсия ўодисаси рўй бериши мумкин (орқага қайтиш ғ инверсия) ёки инверсия орасидан ўтган икки фазага бўлиниши мумкин.

Кўплаб қилинган лаборатория ва кондаги тадқиқотлар натижасида қуйидагиларни қайд қилиш мумкин бўлади:

1. Мицилляр эритмалар терриген коллекторларда карбонат коллекторларга нисбатан мувоффақиятлироқ қўлланиши қайд этилади. Коллекторларнинг турли туманлиги жуда катта бўлмаслиги тақазо этилади. Максимал ўтказувчанлик коэффиценти билан ўртача ўтказувчанлик коэффиценти орасидаги фарқ 3ғ4 мартадан ортмаслиги лозим. Ўртача ўтказувчанлик коэффиценти 50 мкм^2 дан кам бўлмаслиги мақсадга мувофиқдир. қатғламда тузлар миқдори минимал даражада бўлгани маъкул.

2. Иқтисод нуқтаи назардан катламнинг қолдиқ нефтга тўйинганлик даражаси 25ғ30 % дан ортиқ бўлиши мақсадга мувофиқдир. Нефтга тўйинганлик даражаси қанча кўп бўлса, олинадиган натижа шунча яхши бўлади.

3. Юқори қовушқоқликка эга бўлган нефтларда қўлланағдиган мицилляр эритма нефтни чиқариш жараёнини жуда пасайтириши ва қатламга суюқликни ўайдаш технологиясини мураккаблаштириш мумкин. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ўолда қўлланиши лозим бўлган нефтлар қовушқоқлиги 2ғ3 дан 10ғ20 мПа.с орасида бўлгани маъкулдир.

4. қатлам сувларининг шўрлиги эритманинг таркибини ўзгартириши барқарорлигини камайтириши ва фазаларга бўлинишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун қўлланадиган шароитда сувларнинг тузланганлик миқдори 4ғ5 % дан ортмаганлиги мақсадга мувофиқдир.

5. Мицилляр эритмаларнинг барқарорлиги ўарорат ортган сари пасайиши мумкин, шунинг учун унинг қўлланиши $65\text{--}75^{\circ}\text{C}$ ўароратдан ортмасаяхши натижаларга эришилади.

6. Мицилляр эритмалар қўлланадиган маўсулдор қатламнинг чуқурлиги $1500\text{--}1800$ м дан ортмаслиги тақозо қилинади.

7. қудуқлар турининг жойлашуви шу муолажалар бажариғладиган жойларда текис, қаторли бўлса мақсадга мувофиқдир.

8. Мицилляр эритмаларнинг қатламда узок муддат нефт билан бирга қолиб кетмаслиги учун нефтни олиш суръати жадал бўлишликни тақозо этади.

В.П. Гаврилов маълумотларига қараганда АҚШ конларида қўлланилган мицилляр эритмаларнинг бир грами бг нефт чиқариш имконини берган баъзи жойларда эритмалар қўлланғанда қатламнинг нефтберувчанлиги $0,95$ ва ундан ортиққа етган лекин шуни яна қайд этиш лозимки, 1 м^3 эритмани тайёрлаш $20\text{--}36$ долларга тушганлиги унинг ўозирги шароитда нархи анча юқорилигини кўрсатади.

10.1. Нефтни ишқорлар ёрдамида сиқиб чиқариш.

Таркибида нефтли кислоталар мавжуд бўлган нефтларни кучсиз ишқорли сув билан сиқиб чиқариш, уларни катта сув билан сиқиб чиқаришдан кўра $10\text{--}15\%$ кўпроқ самара беради. қатламга ишқорни ўайдаш натижасида нефтберувчанликнинг ортиши ишқорни ишлатишнинг дастлабки даврида қўлланганда ўам ишлатиш жараёнининг охириги босқичида қўлланганда ўам кузатилади.

Нефтларни ишқорли эритма билан сиқиб чиқариш жараёнида ишқорли эритма нефт пленкалари билан коллектор ғовакғларидаги нефт пленкалари билан ўзаро таъсирга киришганлиги натижасида қатламда юқори дисперс эритмаси ўосил бўлади. Газдан ўоли бўлган қатлам нефтга ишқорли эритма таъсир қилганда нефтли кислоталари мавжуд бўлган нефтларда ишқор нефт орасидаги сирт таранглиги анчагина камаяди. Чунончи NaOH нинг $0,01\text{--}0,1\%$ эритмаси билан қатламга таъсир қилинганда унинг нефтберувчанлиги анча ортганлиги кузатилади. Эритманинг концентрацияси оширилгандан ундан олинган самара деярлик сезиларсиз бўлган эди.

Ишқор билан нефт орасидаги сирт таранглигининг кескин камайиши нефт томчиларининг ғоваклар орасидан ўаракатини осонлаштиради. Шунинг натижасида қатламнинг ўайдалаётган сув билан қамраб олиниш даражаси ортади. Бу ўодиса турлиғтуман коллекторларга ўам таалуклидир. Бу ўолатда олинган кўшимча нефт миқдори эмульсия кўрсаткичларига боғлиқ бўлиб, у албатта қолдиқ нефтнинг тақсимланиш ўарактеридан келиб чиқади. Шундай қилиб ишқорли сув ўайдаш жараёнида қатламда юқори дисперсли эмульсия вали ўосил қилиниб, натижада нефтберувчанликнинг ортишига олиб келади.

Яна шуни эътироф этиш лозимки, ўткир натрий ишқорга кўрсатилган самарадан ташқари коллекторнинг ва унга шимилган суюқликнинг

хоссаларини яхшилашга ёрдам беради, чунки у ўзаро муносабат натижасида ўосил бўлган ортиқча моддаларни ўзида эритиш хусусиятига эгадир. Ишқорли сув ўайдаш жараёнида суюқликнинг ўўллаш даражаси (ювувчанлик даражаси) ортиши ўисобига юқори нефтберувчанликка эришилади.

Кўпчилик кимёвий реагентлар, шу жумладан ишқор ўам қатламдаги гидрофоб шароитга тушгандан сўнг уни гидрофил шароитига айлантиради, гидрофоб қатламнинг ўўлланишлик даражасининг ўзгариши ишқорли сув ўайдашда сирт таранглик кўрсатгичи паст бўлганлиги туфайли тоғ жинсларига ёпишган нефт томчиларини ювиб чиқаришга ёрдам беради.

катлам шароитида эмульсиянинг ўосил бўлиши ундаги фильтрацион қаршиликларни камайишига олиб келади ва натижада эмульсия қатлам бағридаги кичик қатламчаларга ўам таъсир қилиш ва улардан ўам нефтни сиқиб чиқариш имконини беради. Натижада қатламнинг қамралиш жараёни ортади ва нефтберувчанлик ортади.

Ишқорли сув ўайдаш жараёнида ишқорли металллар тоғ жинслари билан реакцияга киришиб ўз ишқорлик даражасини нейтраллаш имкониятига ўам эгадир.

Ишқорли сув ўайдашнинг самарадорлигига кўп омиллар таъсир кўрсатади, жумладан кўп валентли ионлар эримайдиган қолдиқ ўосил қилиши мумкин, бу албатта ишқор эритмаси концентрацияси самарасини пасайтиради. Бу ўолатда аксарият Са ва Mg нинг мусбат иони таъсир каттадир. Эритмадаги $\text{Ca}^{\text{KK}} > 0,025$ мг/л бўлган ўолатда сирт таранглиги пасаймайди.

Сув таркибида ош тузининг мавжудлиги ишқорнинг минимал концентрациясининг пасайишига анчагина таъсир қилиши мумкин, натижада лозим бўлган сирт тарангликка эришиб бўлмайди. Чунончи 2,2 мг/л миқдордаги ош тузи ишқорнинг энг кам концентрациясини 10 марта пасайтириши мумкин. Маўсулдор қатламлар таркибида гилларнинг мавжудлиги ўам ишқорли сув ўайдаш жараёни самарадорлигини анча пасайтиради. Аксарият ўолларда олувчи қудуқлар тубида тузларнинг чўкинди сифатида ўосил бўлиш ўоллари кузатилади.

катламга ишқорли таъсир қилишнинг бир неча турлари мавжуд. Шулардан энг самаралиси ўайдалаётган сувни кимёвий реагентлар билан ишлашдир. Сувга ишқор қўшиш билан сирт актив моддалар ўосил қилиш мумкин ва улар суюқликнинг капилляр фаоллигини оширади. қатламга ишқорлар ўайдаш сирт актив моддалар ўайдашдан арзон ва самаралироқдир.

10.2. Нефтни карбонат ангидрид ва карбонлашган сув билан хайдаш.

катламга карбонат ангидрид хайдаш нефтберувчанликни оширишнинг энг самарали усуллариандир. Карбонат ангидридни қатламга ўайдаш натижасида нефт чиқаришда юқори натижаларга эришмоқ мумкин ва энг мухими бу усулнинг арзонлигидир.

CO₂ нинг нефт қатламига ўайдалиши қатлам шароитидаги суюқликларнинг қовушқоқлигини кескин камайтиради. Чунончи CO₂ нинг нефтда эриши унинг қовушқоқлигини 10-500 % орасида камайтириши мумкин, қатлам ўарорати ва босимига ўам таъсир қилади. Нефт таркибида CO₂ нинг эриши унинг ўажмий коэффициентини 50 % ошириши мумкин.

Нефт ўажмининг ортиши нефт билан банд бўлган ғоваклар ўажмини ўам оширади ва улардаги ўаракатга фойдали таъсир кўрсатади.

Нефт қовушқоқлигининг камайиши унинг ўаракатини осонлаштиради, натижада нефтни сиқиб чиқарувчи суюқлик кислота камаяди.

CO₂ нинг қатлам сувда эркин (яхши) эриши натижасида сувнинг қовушқоқлиги ортиб, нефтнинг сувга нисбатан ўаракатланиши ортади. CO₂ қатламда нефт ва сув ўртасидаги сирт таранглигини камайтиради.

Юқорида таъриф қилинган хусусиятлар тавсия қилинган усулнинг самарадорлигидан далолат беради. Лекин CO₂ ни қатламга ўайдашнинг бир катта камчилиги бор, у ўам бўлса сувда эриган газ катта ўаракатчанликка эга бўлганлиги учун аксарият сиқиб чиқарувчи агентни ёриб чиқиши мумкин ва мўлжалдаги ишга зиён етказади.

Нефтни карбонат ангидрит билан сиқиб чиқариш қатламни қамрашнинг юқори кўрсаткичи билан ажралади, ўамда сиқиб чиқариш хусусиятининг юқорилиги билан аўамиятга молик.

Карбонат ангидритнинг сувда ва нефтда яхши эриши энг яхши хусусият бўлиб, нефтни сиқиб чиқаришга энг қулай шароит яратади.

Газнинг бу хусусияти нефт томчиларини ғовак орасидан ювиб чиқишга ва натижада кўпроқ нефтберувчанликка эришувга олиб келади, ғовакли шароитни ювилувчанлигини оширади ва шулар натижасида қатламдан сиқиб чиқариладиган нефт миқдори ортади.

CO₂ нинг нефтда эрувчанлиги ўарорат ва босимга боғлиқ бўлиши мумкин. Чунончи, нефтнинг бир ўажмида CO₂ нинг юзлаб ўажми эриши мумкин. Бошқа шароитлари бир хил бўлган ўолда CO₂ - C₅-C₇ нефтларида жуда яхши эрийди, смола мазутлари кўп нефтларда унинг эриши анча ёмонлашади. Ўароратнинг ошуви босим ўзгармаган ўолда CO₂ нинг нефтда эришини камайтиради.

CO₂ қатлам сувларида яхши эрийди, лекин бу хусусият бироз чегаралангандир.

Бунга албатта ўарорат босим ва сувнинг таъсири кўрсатади. Минерализация ва ўарорат ўзгармаган ўолда босим ортиши билан унинг сувда эришлиги ортади. Минерализация ва босим ўзгармаган ўолда ўароратнинг ортиши билан CO₂ нинг сувда эриши бир хил бўлмайди. Ўарорат ва босим ўзгармаган ўолда сувнинг минерализацияси ортиши билан унда CO₂ нинг эриши пасаяди.

CO₂ нинг сувдаги эритмаси карбонатлар билан реакцияга киришиб, уларни эритади натижада коллекторнинг ўтказувчанлиги ортади, натижада ўайдовчи кудуқларнинг қабул қилувчанглик хусусияти ортади.

Нефтда CO_2 нинг эриши натижасида нефтнинг қовушқоқлиги ўарорат, босим шароитида 2Ғ150 мартагача камайиши мумкин. Бу хусусият қуюқ нефтларда яхшироқ сезилади.

Шундай қилиб CO_2 нефт, сув ва тоғ жинслари (коллектор) билан муносабатга киришганда уларнинг физикағкимёвий хусусиятларини ўзгартириш қобилиятига эгадир.

Нефт берувчанлик коэффицентини ошириш мақсадида қуйидаги ишларни амалга ошириш мумкин:

Ғ CO_2 ни қатламга ўайдаб унинг (ўошиясини ўосил қилиш ёки сув билан галмағгал ўайдаб, сув ва CO_2 оторочкаси ўошиясини) ўосил қилиш мумкин.

Ғ газсимон CO_2 ўошиясини ўосил қилиш,

Ғ карбонлашган сув ўайдаш (карбонлашган сувғтаркибида 3Ғ5 % CO_2 мавжуд бўлган сувдир).

қатламга CO_2 ни ўайдаш учун ундаги ўарорат, босим ва қатламнинг нефтга тўйинганлик даражасини билиш лозим бўлади. Маълумки, CO_2 қ 31 °С да ва 4Ғ7 Мпа босим остида суюқликка айланади. Агар қатлам суюқ CO_2 фаолият кўрсатишини истасак босим кўрсатганимиз дек, ўарорат эса қ31 °С дан ортиқ бўлмаслиги керак. қатламнинг нефтга тўйинганлик даражаси 30Ғ40 % дан кам бўлмаслиги тақозо қилинади. Маълумки, асарият нефт уюмларнинг ўарорати қ31 °С дан юқоридир.

Шунинг учун CO_2 нинг газ ўолатда қатламда фаолият кўрсатишни кўзда тутиш мақсадга мувофиқдир.

CO_2 ни қатламга ўайдаш технологияси ўзига хос бўлиб, унда ўайдовчи қудуқлар карбонат ангидритнинг тақсимланиш пункти, углекислота насос станциясининг блок коллектори, истеъмолчининг боғланиш бўлаги ва мавжуд сув ўайдаш тизими станцияси, сув билан таъминланишнинг I кўтарилиш станцияси, тозалагич иншоотлари, бош насос станцияси (II кўтаргич), буфер идишлари, бўлакли компрессор насос станцияси ва тақсимловчи жой.

У ёки бу вариантни танлаш ва ишга тушириш коннинг конкрет шароитлари ва кўрсатгичларидан келиб чиққан ўолда танланади ва қўлланади.

Текшириш учун саволлар

1. Мицилляр эритма нима, унинг таркиби қандай?
2. қатлам шароитида ишқорлар коллектор билан қандай муносабатда бўлади?
3. Карбонат ангидрит билан нефт сиқиб чиқаришнинг қандай истикболи бор?

Таянч сўзлари

Мициляр эритма, эритма, суюқ фаза, дисперс тизим, сирт актив мода, қовушқоқ нефт, микроэмульсия, нефт ўошияси, терриган коллектор, карбонат коллектор, барқарор система, маўсулдор қатлам, қудуқ чиқурли-

ги, қатламнинг ётиш чуқурлиги, қатлам босими, қатлам ўарорати, қудук маўсулдорлиги, қудук қабул қилувчанлиги, суюқликни ўайдаш технологи-
яси, ишқор, сирт таранглик гидрофоб шароит, гидрофил шароит ва ў.к.

11ҒМАЪРУЗА

қатламга таъсир қилишнинг иссиқлик усуллари.

Маъруза режаси:

1. қатламга таъсир қилишнинг энг фойдали усули нефт қоғвушқоқли-
гини пасайтиришга қаратилади.
2. Мангқишлок нефтларини эксплуатация қилиш муаммолари.

Адабиётлар

1. А.К.Надѳров и др. «Технология повѳшения нефтеизвлѳчения», Наука, АлмаѳАта, 1982 г.
2. О.Х.Мирзажанзаде и др. «Технология и техника добѳчи нефти».

катламдаги қолдиқ нефтни чиқариб олиш мақсадида иссиқлик усуллари кѳллаш, айниқса юқори парафинли ва қовушқоқлиги юқори нефтларни чиқариб олишда анча асқотиши мумкин.

Америкалик мутахассисларнинг фикрича нефт чиқаришда иссиқлик усулларида унумли фойдаланиш нефт чиқариш миқдорини 2 марта ошириши мумкин экан. Шунинг учун АҚШдаги ушбу соѳада 400 ортиқ турли лойиѳалар тузиб чиқилган ва кѳлланишга топширилгандир. Нидерландиядаги Шонебекл конида нефт чиқариш мақсадида иссиқ сув ѳайдаш нефтберувчанликни 50% га ошириш имконини бергандир.

қозоғистондаги Жетибой ва Узень конларини ишлатишда уларга иссиқ сув ѳайдалса олиниши мумкин бўлган нефтни конда 100 млн. т. га ошириш мумкин экан ва нефтберувчанликни 50% дан ортишига эришиш мумкин экан. Шунини алоѳида қайд этиш керакки, ѳша конларда катламда ѳарорат 70 °С, бу ѳароратда нефтнинг ѳаракати ёмон эмас, лекин тепага чиқиши билан нефт 30-32 °С да қотабошлайди, чунки унинг таркибида 16-23% парафин мавжуд.

Ўтмиш СССР даврида катламга иссиқлик билан таъсир қилиш усулларида фойдаланиш 30 йилларда кѳллана бошлаган. Чунинчи қиздирилган буғни катламга ѳайдаш Оха, Катангли, Ярег ва Бориславский конларида кѳлланган. Ундан ташқари бу усуллар Удмуртия, Татаристон, Бошқирдистон, Коми республикаси, қозоғистоннинг ѳам қатор конларида кенг кѳлланилгандир. Чет элларда ѳам бу усулларга катта аѳамият берилади.

катламнинг нефт берувчанлигини анчагина ошириш имконияти, ишлатиладиган маѳсулотлар, (буғ, сув, ѳаво) нинг бемалоллиги, ишлатиладиган технологиянинг мавжудлиги ва уларни кѳллашнинг осонлиги ушбу усулларни кѳллаш учун кенг имконият пайдо қилади ва улар нефтберувчанликни оширишдаги истиқболли усуллардан ѳисобланади.

Маълумки, катламдан нефт чиқариб олиш жараёнида энг катта монелик қиладиган омиллардан энг муѳими нефт ва сув қовушқоқликлари орасидаги мавжуд катта фарқдир. Ўарорат ортганда сув ва нефтларнинг қовушқоқлиги турлича ѳзгаради, чунинчи сувнинг ѳарорати 10 °С дан 100 °С гача ортганда унинг қовушқоқлиги икки мартадан ортиқроқ камаяди. Суюқ нефтларнинг қовушқоқлиги эса ѳша ѳарорат орасида 5-10 марта, куюқ нефтларники эса 30-50 марта пасайиши мумкин.

Шунини қайд қилиш лозимки, коллектор таркибида гилли аралашмалар мавжудлигида бу усул (яъни катламга иссиқ сув ёки буғ ѳайдаш) мѳлжаллаган натижаларни мутлақо бермаслиги мумкин. Ўамма гап шундаки, гиллар иссиқлик таъсирида жуда тезлик билан бўкадилар ва ѳз ѳажмларини катталаштириб, мавжуд ғовақларни банд этадилар ва катламнинг ѳтказув-

чанлигини жуда ўам камайтириб юборадилар. Натижада қўлланган усулдан фойда ўрнига зарар кўриш мумкин.

Ўозирги кунда қатламга иссиқлик билан таъсир қилиш усуллари ичида энг кўп ўрганилгани (кон шароитида) қатламга буғ ва иссиқ сув ўайдашдир. Чунончи, Саўалиндаги Оха, Элнаба, Катангли конларида қатламга буғ ўайдаш ишлари 1958 йилларда бошланган. Оха конида буғ ўайдаш жараёнидан аввал конни казиб чиқариш деярлик ниўоясига етган ва унда нефт берувчанлик 0,19 га тенг эди. Нефтнинг қовушқоқлиги 0,25±0,3 Па дан иборат бўлган. Шундай юқори қовушқоқликка эга бўлган нефт мавжудлигига карамай конга буғ ўайдалгач, ундаги қудукларнинг маўсулдорлиги аввалиги ўолатидан анча ортиб кетади ва пировардида 0,50±0,53 даражадаги нефт берувчанликка эришилади.

Бунга ўхшаш яна бир мисолни келтирамиз: Бориславское конида 1926±35 йилларда қазилган ва кўп йиллар ишлатилган бир қудукнинг дебити 4 т/сут эди, унга буғ ўайдалгач, қудукнинг дебити 35 т/сут гача ортган.

Конга буғ билан таъсир қилишнинг яна бир мисоли Коми республикасидаги Яреч конида намоён бўлади, Кон Ухта шаўри якинида жойлашган бўлиб, маўсулдор қатлам 26 м қалинликка эга йирик кумтошлардан иборат. У 200 м чуқурликда жойлашган. Нефтнинг қовушқоқлиги 15,3 ПаС га тенг. Кон шахта усули билан ишлатилган. 1968 йилда буғ ўайдаш бўйича тажриба ишлари олиб борилади. Олинган натижалар жуда қувонарли, яъни шахта усули бўйича казиб олишганда ўаммаси бўлиб 8±10% нефт берувчанликка эришилган бўлса, буғ ўайдаб ишлатилгач кондаги нефт берувчанлик 40±50% га етганлиги маълум бўлади. Шунини алоўида қайд этмоқчимизки, усулни қўллашнинг ўам ўз меъерлари мавжуд экан, буни қуйидаги мисолда аниқ кўришимиз мумкин:

Биз А ва В деб номланган икки майдонда буғ билан таъсир қилиб, ишлатилган қатлам кўрсаткичларини солиштирамиз:

катлам кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Майдон	
		А	В
Майдон	Га	7,9	2,9
Ишлатиш муддати	ой	34	34
Жами олинган нефт	мингт	58,2	23,6
1 га жойдан олинган нефт микдори	т/Га	7370	8140
Нефтберувчанлик	%	14,4	15,9
Жами олинган буғ	т	147	32
Ўайдалган буғга олинган нефтнинг нисбати	т/т	2,52	1,34
Ўртача қатлам ўарорати	С	65±70	55±60

Келтирилган маълумотлардан шу нарса аниқ бўладики, қатламга буғ ўайдашни меъёридан ошириб юборилса, келадиган фойда юқори бўлмай, қайтага қилинган меънат зое кетиши мумкин экан. Шунинг учун тажрибалар асосида усулни қўллашнинг оптимал (энг самарали) вариантларини аниқлаш ва шунга қараб ишларни олиб бориш мақсадга мувофиқ экан. қатламни керагидан ортиқ иситиб юбориш фойдасиз ўаракат бўлиб чиқар экан.

қатламга иссиқ сув ёки буғ ўайдаш жарёнида қатламда иситилган зона ўосил бўлар экан. Зонанинг каттағкичиклиги қатлам ва коннинг геологик тузилишига ўамда тоғ жинсларининг иссиқлик ўтказувчанлик хусусиятларига боғлиқ бўлади. Иситилган зонанинг катта кичиклиги сув ёки буғ ўайдашда ўам фарқ қилар экан. Чунончи бир хил шароитда сув ва буғ ўайдалганда зонанинг катталиги сув ўайдалганда кўпроқ (каттароқ), буғ ўайдаганда кичикроқ экан, бунга сабаб буғнинг сувга нисбатан иссиқлик сифими ортикроқ эканлигидадир.

қатламга буғ ёки иссиқ сув ўайдалганда қатламдан сиқиб чиқариладиган нефт босқичлари бўйича содир бўлади. Чунончи, қатламга буғ ўайдалганда бу жараён уч босқичга эга бўлади:

ғ нефтнинг сув билан сиқиб чиқарилиши қатлам ўароратида кечади, ўали бу жойларга иссиқликнинг таъсири етиб келмаган бўлади;

ғ нефтнинг иссиқ сув билан сиқиб чиқарилиши, бунда ўарорат дастлабки қатлам ўарорати билан буғнинг тўйинганлик ўароратигача бўлган ораликда содир бўлади;

ғ нефтни буғ ёрдамида буғ зонасида сиқиб чиқарилади, қатламга иссиқ сув ўайдалганда сиқиб чиқариш юқоридаги икки босқич жараёнида содир бўлади.

Шуни қайд қилмоқ лозимки, қатламнинг чуқурлиги ошган сари унга ўайдаладиган иссиқ сув ва буғнинг фарқи камайиб боради, чуқурлик кам бўлганда буғнинг сиқиб чиқариш жараёғнидаги самараси анчагина ортиқлиги қайд этилади. Бу ўолат кўпгина қазиб чиқариш объектларида кузатилгандир.

Юқори қовушқоқликка эга бўлган нефт конларида уларни қазиб чиқариш ўамда қатламга иссиқлик манбаларини юбориш учун қазилган қудуқлар тўри сийрак бўлмаслиги тақозо этилади. Чунончи, Усинское конида 1ғ2 га/қуд. АКШда ўам худди шундай конларда қудуқлар тўрининг зичлиги 1ғ4 Га/қуд. дан иборатдир. қудуқ тўри 20ғ40 га/қуд. Бўлган ўолларда қатламга ўайдалган иссиқлик манбаларининг қуввати қудуқлар орасидаги масофада қолиб кетиб, унинг самараси мутлақо сезилмаслиги мумкин. Тажриба шуни кўрсатадики, ўайдовчи ва олувчи қудуқларни майдон бўйлаб жойлаштириш мақсадга мувофиқдир.

қатламга иссиқлик усули билан таъсир қилишнинг яна бир усули ғ бу қатлам ичида ёниш жараёнини ўосил қилишдир. Энг оддий вариантда ўайдовчи ва олувчи қудуқ бўлиб, ўайдовчи қудуққа электр ёки олов билан таъсир қилиб, қудуқ тубида 400ғ500⁰ С ўарорат ўосил қилинади. Сўнгра қудуққа ўаво ўайдалади ва натижада қатламдаги нефт ёна бошлади. 1 м³

нефтнинг ениши учун 350г400 м³ ўаво керак бўлади. Ёниш фронтида ўарорат 450г470 С тенг бўлади. Ёниш фронтининг тезлиги 0,03г1 м/сут орасида бўлиши мумкин. Бу жараёнда қатламдаги мавжуд нефтнинг 10г15% ёниши мумкин, лекин нефт берувчанлик қатламда 80г90% етиши мумкин. Бу усул, айниқса қуюқ ва оғир нефтлар мавжуд конларда қўлланади. Бундай конларда аксарият нефтберувчанлик коэффиценти жуда паст бўлганлиги учун уларни ишлатиш жуда мушкул. Бундай усул билан Павлова Гора кони (Кавказ олди вилоятида) мувоффақият билан ишлатилган.

Бу усулнинг ўам кўпгина вариантлари бор, чунончи ёниш пайдо бўлгач, кудуққа сув туширилади ва бу “ўўл ёниш” деб аталади.

Руминияда бир неча қатламдан иборат қуюқ нефтли коннинг энг паст қисмидаги қатлам ёқилган ва унинг тепасидаги қуюқ нефтли қатламнинг нефтлари пастки қатлам иссиқлиги туфайли қовшқоқлиги камайиб, кудуқларнинг маўсулдорлиги ошган. Бу конда оддий ўолда нефтберувчанлик 15% бўлгани ўолда юқориғдаги усул қўлланилганда нефтберувчанлик 45% га кўтарилганлиги қайд қилинади.

Текшириш учун саволлар

